ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ МАВСУМГА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 143 (2176). | 21 июль, шанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ДАЛАЛАРНИ СОМОНДАН ТОЗАЛАШ ВА ЕРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ШУДГОРЛАБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1962 йил 18 июлдаги қарори

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қайд қиладиларки, мамлакатнинг кўп районларида шудгорлаш плани айниқса мўл ҳосил олинган йилларда бажарилмай қолаётир, бунинг оқибатида келгуси йилда катта майдонларга баҳорда ҳайдаб экин экишга тўғри келяпти. Шунинг учун ҳам мўл ҳосил олингандан кейинги йилда ҳосил кам бўлиши қандайдир «одат» тусига кириб қолган. Бу эса иқлим шароитига, ёғингарчиликка, об-ҳавога деярли боғлиқ эмас. Келаси йил кам ҳосил олинишининг сабаби шундаки, дон мўл бўлган йили одатда сомон вақтида йиғиштириб олинмайди ва шунинг оқибатида ер шудгор қилинмай қолади. баҳорда эса ерни ҳайдаш кечга сурилади, кўкламги экиш муддатлари ўтказиб юборилади, натижада колхоз ва совхозлар кам ҳосил оладилар.

Совет Иттифоқининг кўпчилик районларида, айниқса ерни ўз вақтида тайёрлаш ва қулай муддатда экиб олиш учун ҳар бир кун ғанимат бўлган Сибирь ва Қозоғистон районларида ерларни шудгор қилмай туриб баҳори экилардан юқори ҳосил олиб бўлмаслигини қишлоқ хўжалик ходимлари тушуниб олишлари керак. Сибирь ва Қозоғистон районларида ерлар шудгор қилингандан сўнггина баҳори экиларнинг, айниқса буғдойнинг ўз вақтида пишиб етилишини таъминлаш ва барча қишлоқ хўжалик экинларидан яхши ҳосил олиш мумкин.

Шунга қарамай, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари далалардаги сомони ўз вақтида йиғиштириб олишга етарли эътибор бермаётирлар, бу ҳол шудгорлашнинг кечиктирилишига сабаб бўлаётир ҳамда хўжаликларни қўшимча хашак жамғариш ва гўнгни кўпайтириш учун молларнинг остига сомон тўшаш имкониятларидан маҳрум қилиб қўяётир.

Маълумки, сомон катта хўжалик аҳамиятига эга, шунинг учун ҳам уни нест-нобуд қилиш зараррлидир, бинобарин, ундан оқилона фойдаланиш: моллар учун хашак маккажўхоридан силос бостиришда қўшимча озуқа сифатида ишлатиш ва молларнинг тагига солиш учун фойдаланиш керак.

Шунинг учун ҳам Украина, Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Марказий қоратупроқ областларининг ва мамлакатнинг бошқа районларининг колхоз ҳамда совхозлари сомонни далалардан вақтида йиғиштириб олиш, бу ишда қўлланилиши мумкин бўлган мавжуд симли, рамали ва осма волокушаларни, сомон ташийдиган, хашак ва гарам қиладиган агрегатларни, транспортёрларни, ўнгай қилиб қайта жиҳозланган прицепларни ва бошқа техника воситаларини ишга солиб тўғри қилмоқдалар. Бу жойларда прицепли комбайнлар ишлатилганда ўримйиғим ва сомонни тўплаб кетиш ишлари тросли волокуша билан сомонни далаларнинг четига чиқариб кетилади.

Лекин кўпгина хўжаликларнинг, айниқса Сибирь ва Қозоғистон районларидаги хўжаликларининг раҳбарлари ҳосилни ўриб-йиғиб олиш билан бир вақтнинг ўзида сомонни йиғиштириб олиш чораларини кўрмаётирлар. сомонни далаларда қолдириб кетмоқдалар. натижада ерларни шудгор қилиб қўйиш имкониятини қўлдан бой бермоқдалар. Қишда бу сомон музлаб қолади ва мутлақо яроқсиз ҳолга келади. Колхоз ва совхозлар ерни баҳорда ҳайдаш учун тозалаш вақтида далада қолган сомонни ёқиб юборишга мажбур бўладилар. Лекин баҳорда сомонни қуйидир ташлаш қийинроқ, чунки у музлаб қолган бўлади, тупроқнинг исиши ва сомоннинг қуриши учун кўп вақт талаб қилинади. Бу эса баҳорда ерларни ҳайдашда катта қийинчилик туғдиради ва одатда баҳори экинлар кеч экилади, оқибатда ҳосил кам бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ерларнинг ўз вақтида шудгор қилинишини ва сомондан рационал фойдаланилишини таъминлаш мақсадида қарор қилдилар:

1. Иттифоқчи республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига шудгорлаш мўл ҳосил олиш учун кўрашда муҳим тадбир эканлигини кўзда тутиб, ҳар бир колхоз ва совхозда баҳори экиндар экишга ажратилган барча майдонларнинг шудгор қилиб қўйилишини таъминлаш мақсадида ҳосил ўрибйиғиб олингандан сўнг сомонни ўз вақтида йиғиштириб олиш учун ҳамма зарур чораларни кўриш вазифаси топширилсин.

2. Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари, «Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмаси, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари зиммасига колхоз ва совхозларнинг, «Союзсельхозтехника» бўлимларининг устахоналарида сомонни йиғиштириб олишни механизациялаш учун оддий мосламалар —тросли, рамали волокушалар, ғарам қиладиган асбоблар ва транспортерлар тайёрлашни, автомобиль ҳамда трактор прицеплари кузовларини мослаштиришни ва бошқа мосламаларни тайёрлашни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари жойларда етарли миқдорда трос ва бошқа материаллар топиб, сомонни йиғиштириб олиш учун етишмайдиган техника воситаларини тайёрлашда колхоз ва совхозларга ёрдам беришлари керак.

3. Украина колхоз ва совхозларининг комбайнларнинг анча қисмини галла поясини майдалаб, сомон қилиб кетадиган машиналар билан жиҳозлаш соҳасидаги тажрибаси маъқуллансин. Бундай қилганда сомон тўғридан-тўғри тележкага тушади ва хашак сақланадиган жойга ташиб келтирилади. сўнгра хўжалик бу сомондан фойдаланаверади. Имконияти бўлган жойларда колхоз ва совхозларга сомонни йиғиштириб олишнинг бу рационал усулидан кенг фойдаланиш тавсия қилинсин.

4. Ем-хашак билан тўла таъминланган, лекин сомонни тўла йиғиштириб олиш учун транспорт воситалари етишмайдиган колхоз ва совхозларда, мустасно тарзида, далаларни дарҳол шудгор қилиш учун сомоннинг далага сочиб юборилишига йўл қўйилсин. Шудгорлаш учун далаларни ўз вақтида тайёрлаш ва келгуси йил ҳосили учун ерни тахт қилиб қўйиш мақсадида сомонни йиғиштириб олиш ёки уни майдалаш имконияти топилмаса, ем-хашак билан таъминланган хўжаликларда, ҳеч бўлмаса, вақтинча сомонни далаларда ёқиб юбориш керак. Лекин сомонни ёқиб юбориш йўли билан далаларни тозалаш хўжалик жиҳатидан рационал эмас. Бироқ шуни кўзда тутиш керакки, сомон далада қолдирилса, барибир, у чириб кетади-ю, аммо колхоз ва совхозлар ерларни шудгор қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб қоладилар. бу эса келгуси йилда ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келади ва хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан катта зарар етказади.

* * *

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия, совет органлари, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхоз раҳбарларининг диққат-эътиборини далалардаги сомонни ўз вақтида йиғиштириб олиш ва ерларни шудгор қилиб қўйиш ҳосилдорликни оширишда, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўп етиштириш ва тайёрлашда муҳим омил эканлигига қаратадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ТУНГИ СМЕНАДА

Тунда пахтазорларни айланишнинг ўзгача гашти бор. Ҳаммаёқ жим-жит, салқин шабода ғир-ғир эсиб турибди. Ана, узоқдан милт-милт этиб турган чироқ кўзга ташланди. Бу азамат сувчиларимизнинг ўз постида сергак турганликларидан далолат беради.

Ён томондаги картада универсалларнинг овози эшитилди. Яқинлашиб бордик. «ДТ-24» ва «универсал» тракторлари прожекторлар билан атрофни ёритиб гўза қатор ораларига ишлов бермоқда. Универсаллардан бирини моҳир механизатор Мелиака Тўраев ҳайдамоқда. Мели ака ҳар куни тунда 6-7 гектар майдондаги гўзани сифатли культивация қилаётир.

Комсомол районидаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Аширмат Шоимардонов бошлиқ бригадасида иш ана шундай қизғин. Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлигини яхши тушунган бригада аъзолари ғанимат кунлардан гоят унумли фойдаланмоқдалар.

Мели аканинг тунда гўзани культивация қилиш юзасидан бошлаган ташаббуси колхозда кенг қулоч ёймоқда. Рустам Бўриев, Раҳмон Авазов, Фаот Розихонов ўртоқлар ҳам кечалари ишлаб гўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

С. МАМАТХОНОВ.

1-„БОЁВУТ"ДА ҲОСИЛНИНГ 80 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

1-«Боёвут» совхози пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари ўз ҳамкасбларига «Правда Востока» газетаси саҳифасида эълон қилинган хат орқали мурожаат қилиб, барча колхоз ва совхозларда пахтани машина билан териб олишга намунали тайёргарлик кўришга чақирдилар.

Ўтган йили совхозда 14 минг 791 тонна пахта етиштирилди. Шундан 5786 тоннаси машиналар билан териб олинди, 13 минг 950 тонна пахта қоп-қанорсиз ташилди.

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган совхоз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги ютуқларни қўлга киритишга отландилар.

Дастлабки олинган мажбурият бўйича совхоз 14 минг 800 тонна пахта етиштириши лозим эди. Эндиликда совхоз коллективи давлатга 16 минг 119 тонна «оқ олтин» — ўтган йилдагига қараганда 1328 тонна кўп пахта топширишга қарор қилдилар. Ҳар гектар ердан 28,3 центнердан ҳосил олинади.

Совхоз ишчилари пахта пишиб етилгунга қадар гўзани яна икки марта комплекс парваришдан чиқаришга, ҳамма ўсимликни тўла сақлаб қолиш ва ҳар туп гўзада 10—12 тадан кўсак тўплашга аҳд қилдилар; 1500 гектар майдондаги гўза механизация воситасида чеканка қилинади.

Ҳозирги пайтда совхозда пахта териш машиналарини ремонт қилиш қизғин бораётир.

5 августга қадар мавжуд 105 ХВС—1,2 машинаси ва 30 та СХМ-48М машинаси тахт қилинади, 20 августга қадар эса 48 та кўсак чувиш машинаси, 30 та автомашина, 120 та ҳосилни қоп-қанорсиз ташийдиган автоприцеплар ремонтдан чиқарилади.

Совхозда йиғим-терим икки сменада ташкил этилади. Бунинг учун 259 механик-ҳайдовчи талаб қилинади. Ҳозир ана шу ҳисобдан 40 киши етишмайди. Хўжаликнинг ўзида ташкил этилган курсда механизаторлар тайёрлаш авж олдирилган.

Совхозда машина теримига кўсаклар 60 процентн очилганида тушилади. Етти йилликнинг тўртинчи йилида машиналар билан совхоз бўйича етиштирилган ҳосилнинг 80 процентн териб олинади.

1-«Боёвут» совхозининг механик-ҳайдовчилари ўз мактубларида орқали колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, бригада бошлиқларига ва барча пахта терниш машиналарининг механик-ҳайдовчиларига мурожаат қилиб, уларни машина теримига пухта тайёргарлик кўришга чақирадилар.

Мактубда «Узсельхозтехника»нинг жойлардаги органлари ходимларига, устахоналарнинг ишчиларига ҳам мурожаат қилинади. Уларни терим техникасини ремонт қилиш суръатини кучайтириш, машиналар ремонти сифатини яхшилашга, пахта териш машиналари учун кўпроқ запас қисмлар етказиб беришга чақирадилар.

1-«Боёвут» совхозининг механик-ҳайдовчилари ҳосилни териб олишни кенг кўламда механизациялаштиришни йўлга қўйиш билан республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг Ватанга 3 миллион 350 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилдилар.

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ

ГАПНИНГ СУБУТИ ИШ БИЛАН

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ РЕЙД БРИГАДАСИ.

«ПУЛИМИЗ БАНД БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

«Социализм» совхозининг марказий устахонаси. Моторларнинг гувиллаган овозлари, темир-терсакларнинг жаранг-журунги қулоқни қоматга келтиради. Бу ер гўё заводга ўхшаган салобатли. Устахонанинг ўртасида 10 та «ХВС-1,2» маркали пахта териш машинаси ремонт қилиш учун қатор қилиб қўйилган. Баъзи механизаторлар машиналарнинг айрим қисмларини олиш билан банд. Бундай қараганда ремонт ишлари жуда қизғин кетаётганга ўхшайди. Марказий устахона мудирининг ўринбосари ўртоқ Н. Цойни нима биландир машғул бўлиб турганда учратдик.

— Ишлар қалай?

— Ёмон эмас. Мана кўриб турибсизлар, иш варанглаб кетяпти, — деди у мамнуният билан.

— Бўлмаса, айтингчи, нечта терим машина ремонтдан чиқарилди.

Ўртоқ Цой пешонасини силаб олгач, секин жавоб берди:

— Ҳали битта ҳам машина тайёр эмас.

Кўриниб турибдики, бу ерда дабдаба зўр. Лекин, ишда тайин йўқ. Ҳамма нарса пала-партиш. График расмият учунгина тузилган, унга ҳеч ким амал қилмайди. Пахта териш машиналарининг ремонти қачон бошланганини, қачон тамом бўлишини ўртоқ Цойнинг ўзи ҳам билмайди.

Шу марказий устахонада 62 киши ишлаб турибди. Аммо пахта териш машиналарининг ремонти билан эса фақат 14 киши банд. Улар ҳам наридан-бери, «ишладингми ишладим» деб вақтни ўтказишяпти.

Комсомол районидаги «Социализм» совхозида ўтган йили машинада пахта териш плани бажарилмаган. План бўйича 3200 тонна ўрнига атиги 1870 тонна пахта терилган. 51 та машинанинг ўртача меҳнат унуми 40 тоннага ҳам етмаган. Совхозда шаҳардан 1200 киши келиб пахта тергани учун жуда кўп маблағ сарфланган. Бунга сабаб шу бўлган эдики, машиналар вақтида тахт қилинмади, механик-ҳайдовчилар етарли тайёрланмади. Афсуски, бу йил ҳам машиналарни ремонт қилиш ишлари пайсалга солинмоқда.

Совхоз раҳбарлари билан суҳбатлашиб қолсангиз, бу йил юз берган катта қийинчиликлар ҳақида жуда келиштириб гапирадилар, аммо шунча қийинчиликларни енгиб етиштирилаётган ҳосилни териб олиш тўғрисида жиддий бош қотирмайдилар. Совхозда 51 та «ХВС-1,2» ва 38 та «СХМ-48М» машинаси бор. Бу машиналардан ҳали бирортаси ҳам тайёр эмас.

Совхоз директори ўртоқ Ҳикмат Муҳаммаджонов яна 20 та ХВС машинаси олишимиз керак дейди. «Сельхозтехника» га пахта териш машинаси келган экан. Нега олмаяпсизлар» деган саволни берганимизда «пулимиз банд бўлиб қолади» деди. Ўртоқ Муҳаммаджонов пулнинг банд бўлиб қолишини ўйлайди-ю, лекин кейинчалик совхознинг талайгина маблағи беҳуда кетишини хаёлига ҳам келтирмайди.

Совхоз ерлари текис, ҳосил гектарига 20 центнердан ортиқ эмас, гўзанинг бўйи ҳам шунга яраша. Бу ерда гўза бўйчан, ётиб қолиб, машинанинг юришига тўсқинлик қилади.« деган баҳоналарга ўрин йўқ. Агар ишга астойдил киришилса 5050 гектар ердаги ҳамма ҳосилни машинада териб олиш мумкин. Бироқ, ишчи кучи кам бўлган бу хўжаликда ана шуни ўйлашмайди. Пахтаси машинада териладиган участкаларнинг тайини йўқ. Бирорта бўлим ва бригада бошлиғи ўз пахта майдонидан қанча гектари машина теримига яжратилганини аниқ айтиб беролмайди.

Шу райондаги Крупская номли колхознинг раиси Қодирқул Хатамов ва инженери Ғани Оллаёров ўртоқлардан пахта териш машиналарини ремонт қилишга киришилдими, деб сўраганимизда улар: «йўқ, энди киришсакмикан деб ўйлаб турибмиз» деб жавоб беришди. Бу колхозда машина теримига яжратилган участкаларнинг гўзасини ҳалоқида парвариш қилиш, машиналар ремонтига керак бўладиган нарсаларни тайёрлаб қўйиш шу кунгача ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келган эмас.

Комсомол, Сирдарё ва Гулистон районларида терим машиналарини ремонт қилишни бошлаганига ҳали 28 киши ишламоқда. Улар ҳозиргача 8 та машинани тўла ремонтдан чиқариб қўйганлар.

— Биз ремонтни янада тезлаштиришимиз, зарур бўлса механизаторларни бу ишга кўпроқ жалб қилишимиз мумкин, — дейди совхознинг бош инженери Ўртоқ Карлсон, — лекин ҳозир бизнинг кўл-оёғимиз боғланган.

— Нега?

— Нега бўлар эди. Запас қисмлар етишмайди. Сварка қилиш, болт, гайка ясаш ва бошқа баъзи майда-чуйда ишларни ўзимиз қилаверамиз. Аммо пахта териш машиналарининг ремонти учун зарур бўлган ҳамма нарсани ҳам ясаш кўлимиздан келмайди. Буни қаранг, — деди инженер қўлига бир қоғозни олиб, — ремонт учун 24 хил запас қисм керак. Комсомол район «Сельхозтехника»сига борсак бизга фақат битта чўтка берди, холос. Бошқаси қани, десак «бизда бори шу» дейишади. Чўтканинг ўзи билан иш битадими? Кунимиз запас қисмларни кутиш билан ўтяпти. Вақт бўлса зиқ.

Комсомол, Гулистон, Сирдарё районларидаги қайси бир хўжаликка бормайлик, айнан шундай аҳволни кўрдик. Кўп хўжаликларда пахта териш машиналарига ҳали қўл урилган эмас. Бордию, ремонт қизитиб юборилса, у ҳолда «Сельхозтехника»нинг район бўлимлари хўжаликларни запас қисмлар билан қандай таъминлайди. Бу қаҳда районларнинг ва ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбар ходимлари дурустроқ бош қотирмаётирлар.

ЧАЛҚАШ РАҚАМЛАР

Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари Зокир Ғозиев ва иккинчи секретари Зуев ўртоқлар кабинетда ўтирибдилар. Улар бу йилги шароитда ғўзаларни қавлай, ҳали у идорага, ҳали бу идорага телефон қила бошладилар. Ниҳоят ўртоқ Ғозиев трубкани қўйиб ростига кўчиб қолди:

— Бизда 1 июлгача бўлган маълумот бор, ундан кейингиси йўқ.

— Районда нечта пахта териш машинаси бор? — сўрадик.

— 180 та экан.

— Шундан қанчаси ХВС-1,2 маркали машина.

— Сводкада маркаларга ажратиб ёзишмапти. — У қизариб кетиб, «Сельхозтехника» район бўлимига — ўртоқ Карамянга телефон қоқди. У ҳам районда қанча ХВС ва қанча бошқа маркали пахта териш машинаси борлигини аниқлаб беролмади.

Сирдарё колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига кирганимизда ҳам қаерда қанча терим машинаси борлиги, қанчаси ремонтдан чиқарилгани ҳақида аниқ маълумот ололмадик.

Бошқарма раҳбарлари ғўза парвариши ҳақида район ва хўжаликлардаги эмас, қатто, бригада, звенолардаги аҳволни бирма-бир айтиб берадилар. Улар қанчадан мажбурият олгани, ерининг миқдори, ҳосилининг центнери, ғўза неча марта сув ичиб, неча марта культивация қилингани ҳақида рақамларни айтишда сира янглишмайдилар. Машина теримига тайёргарликка келганда ҳайронликка тушадилар. Улар бирор хўжаликда ремонт ишлари қандай бораётганини айтиб беролмадилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Пахтани машинада теришга тайёргарликнинг бориши тўғрисида»ги қарорида машина теримига тайёргарликни изчиллик билан ўтказиш, бу ишни жуда барвақт тугаллаш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилган. Бу эса жойлардаги ҳақиқий аҳволни синчиклаб ўрганишни, юзакичилик, сводкабозликка барҳам беришни талаб этади. Бироқ Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасида ҳам, районларда ҳам бу нуқсондан қутилинмаяпти.

Сирдарё район партия комитетининг секретари ўртоқ Ғозиев бу йил районда машина билан 15 минг 900 тонна пахта терилади деса, бошқармадаги ўртоқлар 14 минг 925 тонна терилади дейдилар. Бу рақамларнинг қайси бири тўғри, кимга ишониш керак. Ўртоқ Ғозиевнинг қўлида «Малик» совхози бу йил машина билан 1500 ва 2500 тонна пахта теради деган икки хил маълумот бор. Бу рақамнинг қайси бири рост. Агар суриштирилса берса, бундай ноаниқ рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бу нимани кўрсатади? Бу шуни кўрсатадики, ҳали машина теримига тайёргарлик ишлари диққат-марказга қўйилмаган. Иш бўлмагандан кейин рақамлар тўғри бўлди нима-ю, ноғўғри бўлди нима! Ҳозирги кунгача масалага шундай қараб келинмоқда.

Бу йил Сирдарё колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича уч районда 29 минг 475 гектар ердан 62 минг 205 тонна пахта машинада териб олиниши керак. Бу — катта иш. Шунга қараб ҳаракат қилиниши, тайёргарлик ишлари ҳар тарафлама кучайтирилиши, ҳаммадан муҳими «ҳали вақт эрта» деган кайфиятга қаттиқ зарба берилиши керак.

Ҳ. НУЪМОНОВ,
Б. ХАЛИЛОВ,

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

16—18 июлда КПСС Марказий Комитетида Россия Федерациясининг марказ ва ғарби-шимол областларидаги партия комитетлари лекторлар группалари лекторларининг ва раҳбарларининг, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият бўлимлари масъул секретарларининг зонал кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети РСФСР бюросининг аъзоси А. В. Романов доклад қилди. Кенгашда марказий газеталар ва журналларнинг сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг илмий техника жамиятларининг, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг вакиллари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари учун ички ва халқаро ҳаётга доир энг муҳим масалалар юзасидан бир қанча лекциялар ўқилди.

Партия комитетлари лекторлар группалари лекторларининг ва раҳбарларининг зонал кенгашлари Волгоградда, Свердловскда ва Новосибирскда ҳам бўлиб ўтди. (ТАСС).

«ЕППАСИГА ВА БАТАМОМ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ — ТИНЧЛИКНИНГ ВА БАРЧА ХАЛҚЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ГАРАНТИЯСИДИР»

Сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқининг тексти брошюрасини ана шу сарлавҳа остида кўп нусха босиб чиқарди.

Бу нутқ ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган Жаҳоч конгрессида 1962 йил 10 июлда сўзланган. (ТАСС).

Суратларда: (чапдан ўнгга) Ўрта Чирчиқ район «Полярная звезда» колхозининг ўртоқ Цой Александр бригадасида лавлагидан мўл ҳосил етиштирилди. Бригада бошлиғи Цой Александр ва сувчи Ботир Усмонов ўртоқлар бир бош лавлагининг оғирлигини мўлжаллаб кўрмоқдалар. Пискент районидаги Тельман номли колхознинг ўртоқ Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригада деҳқонлари 125 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан, шу колхознинг Ҳамдам Султонов бошлиқ бригадаси аъзолари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Суратда: икки мусобақадош бригадаларнинг бошлиқлари ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян, Т. Қосимов фотолари.

Гулистон районидаги «Ленинград» колхозининг ўртоқ Сорахон Шодмонова бошлиқ бригадасининг дала шийпони намунали қилиб безатилган. Бу ерда колхозчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар мавжуд. Суратда: бригаданинг дала шийпонида дам олиш пайти.

А. Абалян фотоси.

МАШИНАЛАР УНУМЛИ ИШЛАЁТИР

Чирчиқ автобус-таксомотор паркининг коллективи коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун муваффақиятли курашмоқда. Транспортчилар машиналарининг техника қаровини яхшилашга катта аҳамият бераяптилар. Шу туфайли машиналарнинг линияга чиқиш коэффициенти доимо 80 процентдан ортмоқда. Бу ремонтчилар ва эксплуатацячилар самарали меҳнатининг мевасидир.

Ремонт устахоналарида иш доимо қизғин. Ремонтчилар орасида «олтин қўлли мастер» деган номни олиш учун кураш бормоқда. Устахоналарда 2 та комплекс ремонт бригадаси ишлайди. Улар бир неча сменага тақсим қилинган, бу ерда ремонт узлуксиз давом этади.

Паркда ўз меҳнати туфайли бошқаларга ўрнак бўлаётган шоферларни кўплаб учратиш мумкин. Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Р. Абдулин ва унинг сменадоши А. Аракянц ўртоқлар «ГАЗ-351» маркали автобусда пландаги 130 минг километр ўрнига 450 минг километр масофани капитал ремонтсиз босиб ўтишга қарор қилишган. Уларнинг машинаси шу кунгача 200 минг километрдан ортиқ йўл босди.

Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи К. Мартинов ва шофер В. Сидякин ўртоқлар «ЗИЛ-158» маркали машинада капитал ремонтсиз 300 минг километр масофани босиб ўтдилар. Улар йил охиригача бу рақамни 650 минг километрга етказишга қарор қилишган.

Коллектив орасида меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун кураш авж олган. Автобуслар қатнови графиги шаҳардаги саноат корхоналарининг касаба союз комитетлари билан ҳамкорликда тузилган. Парк коллективи аҳолига қулай бўлиши учун эрталаб ва кечқурун автобусларга прицеп улашга қарор қилди. Бундай прицеплардан серқатнов линияларда фойдаланилади.

Коллектив меҳнат интизомини бузувчиларга қарши муросасизлик билан мунтазам кураш олиб бормоқда. Графикни бузган ҳайдовчилар жазоланадилар. Шофер ва кондукторлар, шунингдек парк.нинг раҳбарлари ишдан бўш вақтларида жамоатчи контролер вазифасини ўтайдилар.

Паркда шу йилнинг иккинчи квартали ва ярим йиллик план барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди.

В. ПРИШЧЕПА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

21 минг сўм фойда

Турли хил токарлик станокларининг йўналтирувчи детали — станиналари ейилиб тез ишдан чиқиб турадиган узел ҳисобланади. Бунинг натижасида қимирлаб қолади. Оқибатда станокда ишланаётган деталларнинг сифати бузилади, кўплаб браккa чиқади. Бу ҳар бир корхона учун жуда катта зарар келтирмоқда. Шуниси ёмонки, ишдан чиққан станиналарни тузатиш жуда машаққатли. Бунинг учун айрим вақтларда бир неча кун керак бўлади. Станок эса ана шу муддат давомида бекор ётади.

Ана шу жумбоқни қандай ҳал қилиш мумкин, станиналарни тез ремонт қилишнинг иложи йўқмикан? Тошкент экскаватор заводининг новатор ишчиси Виктор Долгих ана шу масала устида узоқ вақт бош қотирди. Унинг ижодий изланишлари яхши натижа берди. Станиналарни ремонт қилишни енгиллаштирувчи йўлни топди. У ейилиб кетган станиналарни станокда фрезировкалаш йўли билан қайта тиклашни таклиф этди. Бунинг учун махсус электродвигатель ва унга ўрнатиладиган редуктор ҳамда йўнувчи тиш—фрезадан иборат мослама яратди. Бу мосламани қўлланиш натижасида станиналарни тиклаш анча тезлашди ва енгиллашди, бунинг учун сарфланадиган ҳаражат анча камайди.

Рационализаторнинг бу таклифи корхонага катта иқтисодий фойда беради. Ҳар йили 21 минг 500 сўмлик давлат маблағини тежаб қолишни таъминлайди. Шуниси қувончлики, станиналарни ремонт қилишнинг бу янги прессив усулини бошқа корхоналарда ҳам қўлланиш мумкин. Бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ. Чунки новаторнинг бундай ажойиб таклифи станиналарни қайта тиклаш учун сарфланаётган ҳаражатларни кескин камайтириш имконини беради.

Қ. ЭШОНҚУЛОВ.

КОЛЛЕКТИВ ҒАЙРАТИ

«Йиллик топшириқни 10 декабргача бажарамиз!» — ана шундай шиор остида меҳнат қилаётган Оржоникидзе районидаги 5-мебель фабрикасининг коллективи меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ярим йил учун белгиланган топшириқ муддатидан бир неча кун илгари бажарилди ва қўшимча равишда деярли 30 минг сўмлик турли хил мебель буюмлар ишлаб чиқарилди. Коллектив бундай муваффақиятга ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш, рационализаторлик таклифларини кенг жорий қилиш туфайли эришмоқда.

Корхонада топшириқларни мунтазам ортиғи билан адо этаётган цех ва бригадалар анчагина бор. Айниқса, йиғув цехи коллективи барқарор ишламоқда. Цехда меҳнатнинг пухта ташкил этилиши туфайли ойлик планлар бир ярим баравергa етказиб адо этилмоқда. Бу цех ишчилари шу кунларда сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Корхонанинг В. Матвеев ва А. Бахтиев ўртоқлар раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадалари юксак номга яраша ишлаб, нуқул аъло сифатли маҳсулот бермоқдалар.

Фабрикада рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати ҳам тобора кенгайиб бормоқда. новаторларнинг сафига янги-янги ишчилар, инженер ва техниклар қўшилишмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида бир қанча таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шунинг эвазига коллектив ҳар йили 15 минг сўмга яқин фойда олади.

Механик Салим Муҳаммаджонов янгилик изловчиларнинг активларидан биридир. Мебелчилар уни ҳурмат билан «тинибтинчимасимиз» деб атайдилар. Механикнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинган бир қанча таклифлари бор. У яқинда электроконтакт улагич станоги кашф қилди. Ана шу станок ёрдами билан стол оёқларига елим билан фанер ёпиштириш операцияси тўла механизациялаштирилди. Бу машаққатли ишни бажаришда меҳнат унумдорлиги икки баравардан зиёд ошди. Илгари қўл кучи ёрдамида ҳар сменада узоғи билан 70 та стол оёғига фанер ёпиштирилган бўлса, ҳозир 160 тага етказиб ёпиштирилаётир. Ана шу таклифнинг ўзи йилига 5 минг сўмга яқин давлат маблағини тежашга ёрдам беради.

Слесарь ўртоқ П. Скрябин моҳир рационализаторлардан ҳисобланади. У яқинда яна бир таклифни амалга оширди. Слесарь ёғочларни икки ёқлама кесиб, бир йўла уларга пардоз берадиган арра яратди. Бу ҳар йили корхонага бир ярим минг сўмдан зиёдроқ фойда келтиради.

Т. НАЖМИЙ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Владимир Николаевич Новиковни Иқтисодий ўзаро ёрдам кенгашидаги ўзининг доимий вакили қилиб ҳамда Иқтисодий ўзаро ёрдам кенгаши ижроия комитетидаги вакили қилиб тайинлади.

Жанубий Вьетнам ишларига аралашишга хотима берилсин

ВЦСПС БАЁНОТИ

Женева битимлари имзоланган куннинг саккиз йиллиги ҳамда Жанубий Вьетнамдаги воқеалар муносабати билан ВЦСПС баёнот эълон қилди. Баёнотда айтилади-ки, тинчлик тақдири учун ташвишланган совет меҳнаткашлари америкалик империалистларни қоралайдилар ҳамда Жанубий Вьетнам ишларига аралашишга дарҳол хотима берилишини талаб қиладилар.

Ҳозирги вақтда, дейилади баёнотда, Америка Қўшма Штатлари Жанубий Вьетнамда ҳақиқатда мамлакатнинг ватанпарвар кучларига қарши эълон қилинмаган уруш олиб бормоқда. Америкалик империалистларнинг ҳаракатлари Шарқи-Жанубий Осиё районида тинчликка ва хавфсизликка жиддий хавф туғдирди.

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий совети Совет Иттифоқи ишчи ва хизматчиларининг туйғуларини ифодалаб, Вьетнам халқининг ҳаққоний курашини қатъий равишда ҳимоя қилиб чиқади.

Партия ташкилотларида

АГИТАТОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қуйи Чирчиқ. Димитров номли колхоз партия ташкилоти агитаторларнинг йиғилишини ўтказди. Семинар қатнашчилари колхоз агитпункт мудири Кан Сук Гуннинг «Агитаторларнинг шу кечакундуздаги вазифалари» деган темадаги докладини тинглади.

Шундан сўнг кўп йилдан бери ишлаб келаётган агитаторлар оммавий агитация ва сиёсий тушунтириш ишларини қандай ташкил этаётганликлари ҳақида ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Қ. Собиров.

ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

Чиноз. Ленин номли колхозда оммавий агитация ва сиёсий тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шу кунларда артель аъзолари ўртасида 30 га яқин агитатор иш олиб бормоқда. М. Умаров, Н. Шариев, С. Лутфуллаев ва М. Хўжаева сингари агитаторлар ўтказаётган лекция-суҳбатлар айниқса мароқли бўлмоқда.

Т. Имомов.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА

Ўрта Чирчиқ. Район маданият бўлими ходимлари меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Концертлар кўпроқ илгор бригада дала шийпонларида олиб борилаётир.

А. Мадгозиев.

Босилмаган хабарлар изидан

ЧОРА КЎРИЛДИ

Редакцияга келган бир хатда шундай дейилган эди:

Область поликлиникаси ҳозирги талабга жавоб бермайди. Бинои эски, тор. Врачларнинг нормал ишлашига имконият йўқ. Ҳатто қўл ювиш учун сув йўқ. Глав врач Мансурова коллективни уюштириш, уларнинг ишидан хабар олиш, содир бўлаётган камчиликларни тузатиш билан шуғулланмаётир. Бу ўртоқ кўпинча шахсий ишлари билан овора бўлиб ишда онда-сонда кўринадилар. Поликлиника машиноси ҳам ўртоқ Мансурованинг шахсий ишлари билан доим банд.

Қуйида шу хатга олинган жавобни босаётирмиз:

«Хатда кўрсатилган фактлар текширишда тасдиқланди. Область поликлиникасининг биноси ҳақиқатан аварияли аҳволда. Ҳозир янги бино қурида бошланди. Бу қурилиш тамом бўлганига қадар поликлиника вақтинча бошқа бинога кўчирилади.

Хабар поликлиника ходимларининг мажлисида муҳокама қилинди. Бош врач ўртоқ Мансуровага йўл қўйган хато ва камчиликлари кўрсатиб ўтилди.

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

Б. ХОШИМОВ».

ЁШЛАР ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛАДИ

Чиноз районидаги «Москва» колхозининг ёшлари редакцияга хат ёзиб колхоз клуби бир неча йилдан буён ремонт қилинмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ва спорт ҳаваскорлари учун майдон йўқлиги тўғрисида шикоят қилган эдилар.

Чиноз район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Утяганова хат юзасидан текшириш ўтказилганда кўрсатилган камчиликлар тасдиқланганини хабар қилди.

Клубни капитал ремонт қилиш учун проект-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилган. Яқинда ремонт бошланади. Спорт ҳаваскорлари учун майдон ажратиб берилган.

Редакцияга келган хатлардан

КВАС НЕГА КАМ?

Шу иссиқ кунларда кимнинг муздек квас ичкиси келмайди дейсиз. Пойтахтимизнинг айрим жойларидагина сотилаётган бу ёқимли совуқ ичимликка талаб катта. Шунинг учун ҳам квас сотиладиган цистерналар олдида доим кишилар навбат кутиб туришади.

Лекин квасни шаҳарнинг ҳамма еридан ҳам топавермайсиз. Квас ичкингиз келса анча вақт қидиришга мажбурсиз. Сабабини билишга қизиқдик. Дастлаб пиво заводлари квас ишлаб чиқаришда нўноқлик қилаётган бўлса керак деб ўйлагандик. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди.

Мана, Олой бозоридаги 3-пиво заводини олиб кўрайлик. Бу ерда квас ишлаб чиқариш деярли икки баравар кўпайтирилган. Квас цехи совутадиган махсус компрессор билан таъминланган. 5 та улкан темир бочканинг ҳар бирида 10.000 литрдан муздек квас турибди. Апрель ойидан бошлаб бу цехда иш қизғин. Квас тўлиб-тошиб ётибди-ю, айни мавсумда ним билан шуғулланаркин? Меҳнаткашлар квас, пиво, Тошкент минерал суви каби совуқ ичимликларни токайгача қидирио юришади?

Ана шу саволга шахсан трест директори ўртоқ Эрматов аниқроқ жавоб берсалар.

Х. ХЎЖАЕВ.

ЎГАЙ МАРШРУТЛАР

Ленин кўчасидаги «Искра» кинотеатри рўпарасидаги автобус остановкасида 30 минут турсангиз қуйидаги манзарани кўрасиз:

Шу вақт ичида Чиланзор-Сквер маршрути бўйича қатнайдиган 23-автобуснинг 6 таси ўтиб кетади. Аммо ТашМИ билан Жомий кўчаси ўртасида қатнайдиган 10-автобус, Вокзал билан Абразив заводи ўртасида қатнайдиган 9-автобуслар эса тошбақа юриш билан ярим соатда, бир марта зўрга келади.

Белгиланган графикка риоя қилинмаслиги туфайли остановкаларда пассажирлар тўпланиб қолишади. Бу автобуслар шунинг учун ҳам доим тиқилинч, тўполон. Автобусга чиқиб олиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Айниқса эрталаб ишга кетиш, кечқурунлари ишдан қайтишда машинага чиқиб олиш амри-маҳол.

Шаҳар пассажирлар ташиш авто трестининг раҳбарлари пассажир автобусларини маршрутларга тақсимлашда аҳоли сонини ҳисобга олишмагани чатоқ. 35 минг аҳоли яшайдиган Чиланзор массивида 50 та автобус қатнаётган бир пайтда 50 минг аҳоли яшайдиган ишчилар шаҳарчасига атиги 18 та автобус қатнайди. Натижада 9, 10-автобуслар маршрутидан кўплаб пассажирлар ранжимоқдалар. Трест учун «ўгай» ҳисобланган бу маршрутдаги қатнов аҳолини қаноатлантиролмаяпти.

Ишчилар шаҳарчасининг этак томонида бир қанча саноат корхоналари, савдо базалари жойлашган. Бу ерда ишловчиларнинг бир қисми Чиланзор массивида истиқомат қиладилар. Шундай бўлгач, бу маршрутда қатнаётган 14-автобус МПС заводигача бориб ўша ердан қайтса, кўпчиликка анча қулай бўларди. Ҳозир ана шу автобус 10-трамвай айланасидан қайтиб кетмоқда. Натижада бу ердаги йўловчилар 6-троллейбусга чиқиб, яна 14-автобусга ўтирадилар. Бундай оворагарчиликка барҳам бериб, пассажирларга қулайлик яратиш трест раҳбарларининг парвойига ҳам келмайди.

Трест раҳбарлари ана шу маршрутларнинг қатновини қачон тартибга солиб бераркин?

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Газеталар вақтида сотилсин

Оҳангарон шаҳрида кейинги бир йил ичида киоскалар сони анча кўпайди. Лекин афсуски, ана шу киоскаларда кундалик республика, область газеталари ўз вақтида сотилмаётир.

Газеталар алоқа бўлимига соат 11-12 ларда келтирилади. Шаҳар киоскаларига эса орадан 2 соат ўтгач тарқатилади. Натижада шу куни газета кеч сотилади. Ўқувчилар муҳим воқеаларни ўз вақтида билиш, республика ва областимиз ҳаётига доир янгиликларда вақтида хабардор бўлишни истайдилар.

Шаҳар алоқа бўлими (бошлиғи Кузнецов) газетхонларнинг ана шу талабларини ҳисобга олишлари, киоскаларда газеталарнинг ўз вақтида сотилишини таъминлашга етарли эътибор беришлари керак.

И. АҲМЕДОВ.



Бу икки дугона ўрта мактабни тугатгач, Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасига ишга келган эди. Улар тез орада тўқувчилик касбини мукаммал ўрганиб олдилар. Мана энди дугоналар меҳнатда бир-бирлари билан мусобақалашяптилар. Тамара Татаева ҳам, Озода Мақсумова ҳам кунлик топшириқни 120—130 процентдан кам адо этмайдилар. А. Тўраев фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

РАҲБАРЛИК КОНКРЕТ БЎЛСИН

Меҳнаткашлар депутатлари область совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида Калинин район Советининг иши ҳақида район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Убайдуллаеванинг ҳисоби эшитилди ва муҳокама қилинди.

Кейинги вақтда район ижроия комитети маҳаллий советларга раҳбарлик қилишни бир мунча яхшилаган. Депутатларнинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятларини ошира бориб, уларнинг бутун куч ва эътиборини сабзавот, полиз экинларидан мўл ҳосил олишга, жамоат чорвачилигини кескин ривожлантиришга қаратмоқда.

Лекин шунга қарамай районда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда кўпгина муҳим масалалар эътибордан четда қолмоқда. Бир қатор хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган топшириқлар қониқарсиз бажариляпти. Айниқса картошка, сабзавот экинларидан кам ҳосил етиштирилмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири, бир қатор колхоз, совхозларнинг раҳбарлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажаришда ички резервлардан ёмон фойдаланмоқдалар. Илғор агротехника фани ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинмаётир. Маҳсулотнинг таннархи учун курашилмаяпти. Район ижроия комитети бригадалар сонини ҳаддан ташқари кўпайтириб юборган. Баъзи жойларда 9 гектарлик картада ҳам бир бригада тузилишига йўл қўйилган. Бу эса далада ишловчиларга нисбатан раҳбарларнинг кўпроқ бўлишига олиб келади. Йилдан-йилга картошка ва резавор экинларининг таннархи камайиши ўрнига ортиб бораяпти. Айниқса Карл Маркс номли, «Ўзбекистон» колхозларида кам меҳнат қилиб, кўп ва мўл ҳосил етиштириш юзасидан кўзга кўринарли иш қилинмаган. Бу хўжаликларда ер фондидан, ишчи кучларидан ва техникадан самарали фойдаланиш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган.

Райондаги «Ленинизм», «Москва» колхозларининг раҳбарлари чорва моллари туёғини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам ғоят масъуличсизлик билан қарамоқдалар. Бу колхозларда хўжалик комплекс ривожлантирилмаётир. Гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш камайиб кетмоқда. Буларнинг ҳаммаси район ижроия комитети ва унинг бўлимлари жойларда ишни пухта ташкил қилмаётганликларини, хўжаликларнинг иши устидан қаттиқ назорат ўрнатмаётганликларини кўрсатади. Далачилик бригадаларида экинлар парвариши яхши ташкил этилмаган. Талайгина картадаги экинлар бегона ўтлар ичида қолиб кетган. Картошка, карамларни чопиш, пиёз, сабзиларни ўташ ва суғориш ишлари илғор агротехника талаблари даражасида олиб борилмаётир.

Маҳаллий совет ташкилотлари чорва моллари қишловига тайёрланиш масалалари билан ҳам атрофлича шуғулланмаяптилар. Молхоналарни ремонт қилиш, ем-хашак тайёрлаш юзасидан белгиланган график ой сайин бажарилмаётир.

Район, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг самарали ишлаши учун тўла шароит яратиб бермаганлар. Айрим хўжаликларда бажарилган иш юзасидан аванс пуллари бериб туриш йўлга қўйилмаган. «Ўзбекистон», Карл Маркс номли ва бошқа колхозларда қалигача колхозчиларнинг ўтган йилги қилган меҳнатларига ҳақ тўланмаган.

Охунбобоев номли, «XX партсъезд» колхозларида иш хўжалик ҳисобида ташкил этилмаган.

Район раҳбарлари Тошкент территориал ишлаб чиқариш бошқармаси ходимлари билан яқиндан алоқа ўрнатмаганлар.

Мажлисда, район ижроия комитети қишлоқ хўжалигига юзаки раҳбарлик қилаётгани устига, медицина, маданий-маиший муассасаларнинг, йўл қурилиши ташкилотларининг фаолияти билан ҳам қизиқмай қўйганлиги алоҳида қайд қилинди. Район экономикасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг маданий-маиший аҳволини яхшилаш масалаларида район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Убайдуллаева шахсан ташаббус кўрсатиб ишламаётганлиги кўрсатилди.

Область ижроия комитетининг мажлиси Калинин район ижроия комитети ишидаги камчилик ва нуқсонларни тугатиш, хўжаликка конкрет ва ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишини таъминлаш юзасидан зарур тадбирлар белгиланган қарор қабул қилди.

ТОШКЕНТ ШАХРИНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ

ЯНГИ КИТОБЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Жонажон республикамизнинг марказ Тошкент ўзининг қиёфаси, саноати ва маданиятининг тез ривожланиши жиҳатидан Иттифоқимиздаги энг йирик шаҳарлардан бири ҳисобланади. Яқинда шаҳар статистика бошқармаси нашр этган «Тошкент шаҳрининг халқ хўжалиги»[1] номли статистик тўплам-да пойтахтимизнинг Совет ҳокимияти, асосан урушдан кейинги йиллардаги тараққиёти хилма-хил рақамлар, жадваллар орқали ифода қилинган.

Тўпламнинг кириш қисмида шаҳар ҳақида умумий маълумотлар берилган. Унинг ер майдони 16 минг гектарни ташкил қилади. Аҳолисининг сони (1959 йил рўйхати бўйича) 912 минг кишидан иборат бўлиб, 1926 йилга нисбатан тахминан уч баравар ўсган.

Совет ҳокимияти йилларида Тошкент илгаригі ярим кустарь ҳунармандчилик шаҳридан йирик индустриал марказга айланди. Саноат маҳсулотларининг 1960 йилда 1913 йилга нисбатан 145 баравар кўпайгани буни яққол исботлаб турибди.

Шаҳримизнинг ободончилиги, хўжалиги ва маданиятининг ривожланиши унинг бюджетида яққол ифодасини топган. 1960 йилда шаҳар бюджетининг харажатлари 1950 йилга нисбатан 3 баравардан кўп ошган, шу давр ичида бюджетнинг халқ хўжалик харажатлари 3,8 миллион сўмдан 82,3 миллион сўмгача, ижтимоий-маданий тадбирлар бўйича харажатлар 20,5 миллион сўмдан 48,0 миллион сўмгача кўпайган. Бу маблағлардан фойдаланиш асосида давлат ва кооператив ташкилотлар томонидан 1950—1960 йилларда бир миллион 138 минг квадрат метр уй-жой қурилган. Шаҳар коммунал хўжалиги, шу жумладан шаҳар транспорти, водопровод, канализация, газификация тармоқлари айниқса кенгайган. Савдо шохобчалари 1852 тадан 2344 тага кўпайган. Бундан ташқари 27 та мактаб, 47 та болалар муассасалари, 5 та касалхона ва бошқа маданий-оқартув муассасалари қурилган.

1960 йилда шаҳар мактабларида 155,9 минг ўқувчи, техникум ва ўрта махсус ўқув юртларида 22,8 минг, олий ўқув юртларида 62,9 минг киши ўқиган.

Шаҳримиз ҳақидаги статистик тўплам биринчи марта нашр қилинишига қарамасдан анча сифатли ва қизиқарли қилиб тузилган. Шундай тўпламларни ҳар йили нашр қилиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, унинг навбатдаги нашрида қуйидагиларга эътибор берилса дуруст бўларди.

Жумладан, тўпламнинг кириш қисмида Тошкентнинг тарихи ва унинг СССР шаҳарлари орасида тутган мавқеи ҳақида тўлароқ маълумот берилса чакки бўлмасди.

Бундан ташқари саноат ҳақидаги бўлимда 1946—1960 йиллар давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар йилма-йилига берилган. Бизнингча, ҳар беш йил ичидаги ўсиш рақамлари келтирилса кифоя. Шунингдек шаҳардаги маданий-маиший корхоналарнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотларга ҳам тўхталиб ўтилса яхши бўларди

Серқуёш республикамизнинг фахри бўлган Тошкент ҳақидаги статистик тўплам илмий ходимлар, агитатор ва пропагандистлар, маҳаллий совет депутатлари ва кенг китобхонлар учун фойдалидир.

Ҳ. СОБИРОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

1. «Народное хозяйство г. Ташкента» статистический сборник. 1961 г.

Ўтган ҳафта ичида „Тошкент ҳақиқати" газета редакцияси газетхонлардан 134 та хат олди.

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИЛСИН ДЕСАНГИЗ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ БЎШАШТИРМАНГ!

☆ ☆ ☆

ҚУРУҚ ГАП ҚУЛОҚҚА ЁҚМАС

Бекободда бу йил ҳам мўл ҳосилни хавф остида қолдирадиган бир зарарли кайфият бор. Қайси хўжаликка борсанг, ким билан гаплашсанг, қуруқ ҳисоб-китоб билан ҳали йўқ ҳосилни пишириб хирмонга тўкиб ҳам қўяди.

Бир томондан қараганда, одамларда ўз ишига ишонч борлиги яхши нарса. Бироқ бу кайфиятнинг зарарли томони ҳам бор. Кўп раҳбарлар пайкалнинг ичига кирмай, увотда туриб кузда олинадиган ҳосилни хомчўт қилмоқдалар. Улар ҳар гектар ерда қанчадан кўчат борлигини тахминан билиб олишган. Энди хоҳлашса 10 кўсакни, хоҳлашса 15 кўсакни шу кўчат сонига кўпайтириб, ҳеч қандай машаққатсиз 30—40 центнердан ҳосилни тайёрлаб қўйишяпти.

1-«Далварзин» совхозида кўчат дуруст. Кўп бўлим ва бригадаларда ғўза сифатли суғорилмоқда. Бу мўл ҳосил учун пухта замин бўлади, албатта. Аммо бу хўжаликда ҳам юқорида айтганимиздек, хомаки хаёллар бор. Биров 40 центнер, яна биров 45 центнердан мажбурият олябти. Бу яхши гап. Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Ҳозирги шона, гул, кўсак ҳосил эмас, балки бир челак сув. Сал бепарво бўлинса, шов этиб тўкилиб кетади. Сув яхши қўйилса, ер ўтказиб юборилмай, оби-тобида культивация қилинса, бегона ўт йўқотилса, истаган ҳосилни олиш мумкин. Бордию, ғўзанинг кўкини кўриб кўчат сонини йўқ кўсак сонига кўпайтириб юрилаверса, пахта эмас, ғўзапоя олинади, холос.

Афсуски, иш яхши деб ҳисобланган шу хўжаликда ҳам чанқаган, ўт босган ғўзалар бор. Баъзи бўлимларда ҳозирданоқ ғўза ғовлаб кетган. Ҳосили кам. Шундай бўлса ҳам бригадирлар азотли ўғит беринг деб районга юғуришган. Июлнинг иккинчи ярмида бундай аҳволнинг рўй бераётганлиги кишини таажжубга солади.

Ленин номли колхоз 2250 гектар ердан 25 центнердан пахта етиштириши керак. Раҳбарларнинг айтишича, ҳозир ҳар гектар ерда 72 минг тупдан кўчат бор. Кўп одамлар билан гаплашиб улардан қуйидагича хомчўтни эшитдик: июлда ҳар туп ғўзада 6—7 кўсак августда 10—11 кўсак тўпланади. Ҳар бир кўсакнинг пахтаси ўртача 4 граммдан бўлганда ҳам ҳар гектар ердан 29 центнерга яқин ҳосил олинади.

Тўғри, бир томондан қараганда, бу реал ҳисоб-китоб. Астойдил ишланса, шу кўчатдан 30 центнердан ҳосил етиштириш мумкин. Бироқ ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Ғўзалар сувсизликдан қовжираб, ўт ичида сарғайиб, йирик кесаклар остида эзилиб ётса, 72 минг эмас, 100 минг туп кўчат билан ҳам планни бажаролмай қолиш мумкин.

Колхознинг бош агрономи ўртоқ А. Қозоқбоев бизни дастлаб Мўйдинжон ака Эрматов бригадасига олиб борди. Бу бригаданинг илғорлигини илгаритдан билар эдик. Иш яхши. Ғўза қондириб суғорилябти. Бироқ колхозда бундан бошқа бирорта ҳам намуна бўладиган бригадани учратмадик. Ўртоқ Алибой Ҳамроқулов бригадаси Мўйдинжон ака бригадасига қўшни. 74 гектар ердан 25 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Афсуски, иш шу хилда борадиган бўлса, мажбурият бажарилмайди. Кўп ерларда ғўза чанқаб, барглари сўлиб турипти. Сувдан кейин ер ўтказиб культивация қилинган. Йирик кесаклар кўчган. 10 гектарлик картада нобоп олинган ўқариқдаги сув 15—20 эгатга пала-партиш тараб қўйилган. Бригадирнинг иқрор бўлишича шу бир мисқолгина сув учун 4 киши овора эмиш. Катта ариқда лимиллаб сув оқаётгани ҳолда 4 киши чумчуқ ни кўзидек ерга сув тараб қўйиб, унга термулиб ўтирганига ажабланасан киши.

Агроном ўртоқ Қозоқбоев:
— Товба, тушимда ҳам ғўза суғораман-ку, яна мени бепарво дейишади.

А. Холиқов чизган расм.

Бошқа бир картага қўллатиб сув қўйиляпти. Ҳаво иссиқ. Бундай пайтда қўллатиб суғоришнинг зарари ҳеч кимга сир эмаску!

Бригадир, 9 сувчи кунига 8—9 гектар ердаги ғўзани суғоряпти, деди. Бироқ бу таваккалига айтилган ёлғон гап экан. Табелчи билан суҳбатлашганимизда кунига 5—6 гектар ерга сув қўйилаётгани маълум бўлди. Қизиқ, бригадир нега ёлғон гапиради? Ахир, қилинаётган меҳнатнинг самарасидан шу бригадирнинг ўзи манфаатдорку. Кўзбўямачилик қилиб, камчиликларни яшириб нима фойда орттиради?

Колхознинг Энгельс участкасида кўчат сийрак. Ғўза парвариши ёмон аҳволда. Ўртоқ А. Қозоқбоев бизни участкаларнинг дуруст бригадасига олиб борди. Бригада бошлиги ўртоқ Турсунбой Рўзиев дала шийпони ёнидаги карта шолипояга ўхшатиб суғорилаётганининг сабабини жон куйдириб тушунтирди. Унинг айтишича, бу ернинг этаги зовур, жуда кўп сув талаб қилар эмиш. Ғўза ончамунча сувга қонмас эмиш. Шунинг учун ҳар бир эгатга роса бир қулоқдан сув ҳайдалган. Ким билсин, картанинг ўртасида нималар рўй берган. Шуниси ғалатики, бригадирнинг гапини ўртоқ А. Қозоқбоев ҳам тасдиқлади. Қизиқ, унча-мунча сувни писанд қилмайдиган картага шолипоя қилиб сув ҳайдаш билан ғўза қонармикан?

Бригадир Турсунбой ака бундан бир ҳафта илгари 80 гектар ерга азотли ўғит солинганини, 40 гектарига ҳамон сув қўйилмаганини айтди. Хўш, энди бу ўғитнинг қанақа фойдаси қолди?

Шу участканинг 2, 5-бригадаларида ғўзанинг аҳволини кўриб ачинасан киши. 5-бригадада ҳали шоналамаган ғўзалар бор. Қишлоққа кириб келаверишда йўлнинг ўнг томонидаги картада бегона ўт шундай ўсганки, унинг орасида ғўза эмас, одам бўлса ҳам кўринмайди. Чанқоқ кўчатлар ҳам шу бригадада кўп. Айтавер-сак колхозда мўл ҳосил учун хавф туғдирадиган ишлар кўп. Хулоса шуки, колхоз раҳбарлари, биринчи навбатда бригада бошлиқлари асад ойининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олмаяптилар. Ҳозир шундай даврки, озгина бепарволик билан шу кунгача қўлга киритилган ютуқни бой бериб қўйиш мумкин. Кейинги пушмон — ўзингга душман дейдилар. Колхоз раҳбарлари бутун куч ва имкониятларни тўла ишга солиб, сувдан унумли ва тежамли фойдаланишлари керак.

Навоий номли колхознинг 2, 3-участкаларида сувдан ёмон фойдаланилмоқда. 3-участкада каттагина кўл бор. Сувчилар тунда ғўзани қондириб суғориш учун ўрнига сувни шу кўлга ташлаб юбормоқдалар. Бу бир эмас, икки жиноятдир. Лоақал сув бошидан беркитилиб, катта ариққа ташлаб юборилса, бундан бошқа участкалар фойдаланар эди. Ҳаво қаттиқ исиб, ғўза сув-сув деб турган бир пайтда шундай масъулиятсизликка йўл қўйиш инсофданми. Наҳотки колхоз раҳбарлари суғориш устидан тегишли назорат ўрнатолмаса!

Бу йил Бекобод райони Ватанга 47300 тонна «оқ олтин» етказиб бериши керак, ҳар бир хўжалик, ҳар бир бўлим ва бригадада мавжуд кўчат кўз қорачўғидай сақланиб сувдан, культивациядан, ишчи кучларидан тўла фойдаланилсагина бу мажбурият бажарилади.

С. СУЛТОНОВ,
Т. УМРЗОҚОВ.

☆ ☆ ☆

СУВ—ЭКИННИНГ ЖОНИ

Ям-яшил карталарни айланиб юрган Абдулхай ака аъзоларининг ишидан хурсанд бўлди. Культивация, суғориш бир-бирига боғлаб ўтказилаётганлигидан ғўза яхши ривожланиб мўл ҳосил тўпламоқда.

— Пахта очилибдими, жуда тикилиб қолдингиз,— гап ташлади бригадирни кузатиб турган Тўрон ака Эргашев.

— Фақат очилса ҳисобми, мана бу шона ва гуллар кўсак бўлса, уларни тўла сақлаб қололсак албатта сўзимизнинг устидан чиқамиз,— деди бригадир,— лекин бунинг учун ҳозир зўр бериб ишлашимиз керак. Мен ҳамма карталарни айланиб чиқдим. Ғўзаларнинг ривожи ёмон эмас. Чирчиқ ёқасидаги катта пайкал ғўзалари сув талаб бўлиб қолибди. Сиз ҳозир ёнингизга Қурбон Эргашев, Ғани Бўтаевларни олинг, ўша томонга бориб ғўзага сув тараш керак.

Қўйи Чирчиқ районидаги Красин номли колхознинг ўртоқ Абдулхай Муҳаммаджонов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 175 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар. Бригада аъзолари шу кунларда культивация билан бирга суғоришга ҳам зўр эътибор бермоқдалар. Бу иш икки сменада ташкил этилган. Обидхон Маърифхонов, Турон Эргашев, Маҳамат Эргашев сингари тажрибали сувчилар билан бирга Ғани Бўтаев, Қурбон Эргашев каби ёш сувчилар ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар куни бир ярим гектар майдондаги ғўзани қондириб суғормоқдалар. Қониб сув ичган ғўзалар гуллаб кўсаклай бошлади. Бригада аъзолари ғўза парваришини сифатли ўтказиб, июль ойида ҳар туп ғўзада 5—6 тадан бўлиқ кўсак тўплаш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Қ. СОБИРОВ.

КИШИ БОШИГА 40 ТОННАДАН

Сирдарё районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари бу йил 1100 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин»ни топширишга аҳд қилганлар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ғайрат билан ишламоқдалар.

Айниқса колхознинг ўртоқ Абдуллажон Тўйчиев бошлиқ бригадасида иш қизғин. Бригада аъзолари 120 гектар ерда мўл ҳосил тўпламоқдалар.

— Бригадамизда, — дейди ўртоқ Тўйчиев,—ўтган йили ҳар бир киши бошига 25,5 тоннадан пахта етиштирган эдик. Бу йил ҳар бир киши ҳисобига 40 тоннадан ҳосил етиштирамиз. Шу кунгача барча майдондаги ғўзаларимизни 3 марта культивациядан чиқардик, 3 марта озиқлантирдик. Шу кунларда шарбат суви оқизилмоқда.

Бригада далаларида бўлган киши мажбуриятга яраша ҳосил тўпланаётганлигини кўради. Ҳар туп ғўзада 8—10 тадан гул, иккитадан кўсак бор. Бир гектар ердаги кўчатнинг сони 96 минг тупга етади.

Колхознинг Ҳ. Рустамов, Қ. Ботиров, С. Исаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши намунали ташкил этилган.

Шу райондаги «Қизил Октябрь» колхозидаги ўртоқ Акбаров бошлиқ бригадаси ғўзалари ёппасига кўсаклайбошлади. Бригада аъзолари ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 3 центнердан оширишга — 32 центнер ўрнига 35 центнердан пахта топширишга сўз бердилар. Ҳозир амалга оширилаётган барча тадбирлар ана шу янги мажбуриятнинг шараф билан бажарилишига қаратилган.

О. ЭРГАШЕВ,
Т. СОЛИЕВ.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

«Пискент» совҳозининг 2-бўлимининг биринчи бригада аъзолари 55 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 20,5 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Ана шу мақсад йўлида сувчилар, механизаторлар бир-бирлари билан мусобақалашиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача барча майдондаги ғўза иккн марта озиқлантирилди, уч марта сув қўйилди. Далада бironта ҳам бегона ўт кўринмайди. Ҳар гектар ерда 95—100 минг тупдан кўчат, ҳар туп кўчатда эса 2-3 тадан кўсак, кўп миқдорда шона ва гуллар бор. Бунда механизатор Қўзибой Хусанбоев, сувчилардан Аҳмаджон Додажонов, Туроб Хусанбоев, Ғуломали Мамадалиев, Садри Биналиев сингари ўртоқларнинг ҳиссалари каттадир.

Х. РАСУЛЕВ.

ҚОНИБ ИЧГАН ЭМИШ...

«Кўкорол» совхози 3-бўлимининг Султон Боймуродов бошлиқ бригадасидамиз. Катта картадаги ғўзаларнинг аҳволи танг. Ўз вақтида қониб сув ичмагани учун сарғайиб, қовжирай бошлаган.

Бироз юргач ён картада катта ўқ ариқдан оқаётган сувни кузатиб турган бригада бошлиғини учратдик. Бригада сувчиси Тўхтамурод Абдуллаевлар ҳам шу ерда эди.

— Хорманглар, — дедик, сўнгра чанқатиб қўйилган ғўзаларга назар ташладик. Бригадир буни пайқади шекилли :

— Ғўзанинг ўзи ривожланмаяпти,— деди.

— Бўлмаса бу картага қачон сув қўйилган эди?

— Бир марта қондириб суғорганмиз,— деб жавоб берди у.

Маълум бўлишича бригаданинг 45 гектар майдондаги ғўзаси бир сув билан ташлаб қўйилган экан. Бундай ачинарли аҳвол бригада бошлиғини ташвишлантирмаётир. Тўғри, дастлабки кунларда бригада ғўзасини суғориш учун сув етмади. Бироқ кўп ўтмай кучли насос ўрнатилиб, ишга туширилди. Аввалари «сув етишмаяпти» деган бригадир энди «одам кам» деган баҳонани рўкач қилмоқда.

Бригаданинг ғўзаси фақат бир марта культивация қилинган. Ғўза вақтида суғорилмагани учун ҳам солинган ўғит бефойда бўлди.

Бўлимнинг Имонназар Турғунов бошлиқ 3-бригадасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Рўзибой Мирзаев Абдужаббор Каримов бошлиқ бригадаларда ҳам ғўзанинг ярми сувдан чиқарилмаган.

Хўш, бунга сабаб нима?

Асосий сабаб шуки, сувдан тежаб-тергаб, навбати билан фойдаланилмаётир. Бўлимга ажратилган сувнинг бир қисми бекорга оқиб исроф бўлаётир.

Шунингдек бригадаларда суғориш учун олинган ўқариқлар жуда узун, най ёки чим ёрдамида суғориш ташкил этилмаган. Сувчилар иши устидан контроллик қилинмайди.

Бўлимда суғорилган карталар етилиши билан қатор ораларини юмшатиш, ерда намни кўпроқ сақлаб қолишга ҳам бефарқ қаралмоқда, мавжуд механизмлардан унумли фойдаланилмаётир. Бўлимда 15 та чопиқ трактори бор. Лекин шулардан 4—5 таси турли сабаблар билан ғўзани культивация қилишда қатнашмайди. Қолган тракторлардан ҳам тўла унум билан фойдаланилмаётир. Бир трактор билан ўрта ҳисобда атиги 4—5 гектар ер культивация қилинаётир.

Чопиқ тракторларининг ярмидан кўпига СУЗ тиркалмаган. Бу ўз навбатида озиқлантиришни кечиктирмоқда.

Саратоннинг ҳар бир куни ғаниматдир. Бўка районидаги «Кўкорол» совхози 3-бўлимида ҳар гектар ердан камида 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун кураш бошланган экан, ғўза парвариши намунали ташкил этилиши лозим. Бу ҳақда бўлим раҳбарлари (бошқарувчиси ўртоқ Норча Қурбонов) жиддий ўйлашлари керак.

Т. ҚОСИМОВ.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БИЛИМЛАРИ ПРОПАГАНДАСИ КУЧАЙТИРИЛСИН

Яқинда Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият область бўлимининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда қишлоқ аҳолиси ўртасида қишлоқ хўжалик билимларини пропаганда қилишни яхшилаш масаласи муҳокама қилинди.

Жамиятнинг Янгийўл район бўлимининг масъул секретари Б. А. Алакин, Гулистон район бўлимининг масъул секретари Н. Х. Шарафиддинов, жамият Қуйи Чирчиқ район бўлимининг раиси М. Сафаров ўртоқлар пленумда чиқиб сўзлаб, қишлоқ хўжалик билимларини ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари тажрибаларини пропаганда қилишга кейинги вақтларда кўпроқ эътибор берилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Ўқилаётган лекцияларнинг сифати яхшиланди.

Районлардаги аҳоли ўртасида 30 дан ортиқ савол-жавоб кечаси ўтказилди. Бу кечаларнинг мазмунли ва жонли бўлишида илмий-текшириш институтларининг малакали мутахассислари, пойтахт олий ўқув юртларининг ўқитувчилари катта роль ўйнамоқдалар.

Лекция пропагандасига айниқса катта эътибор берилаётганлиги кувончлидир. Фақат шу йилнинг ўтган беш ойи ичида меҳнаткашлар ўртасида 11 мингга яқин лекция ўқилган.

Қишлоқ хўжалик билимларини аҳоли ўртасида кенг пропаганда қилишда пропаганданинг радиоэшиттириш, идғор тажрибаларни ёювчи варақалар чиқариш, семинарлар ўтказиб туриш, олимлар иштирокида ишлаб чиқариш-иқтисодий конференциялар уюштириш, савол-жавоб кечалари каби формалари ва бошқа шу хилдаги тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Бироқ шунга қарамай, жамият район бўлимларининг ишида ҳали ҳам айрим камчилик ва нуқсонлар мавжуддир. Пленумда кўрсатиб ўтилганидек, областда қишлоқ хўжалик билимларини пропаганда қилишнинг кўлами ва савияси ҳаёт олдинга қўяётган талаблар даражасида эмас.

Жамият Оржоникидзе район бўлимининг раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Веденеева қишлоқ аҳолисини китоблар билан таъминлаш, уларнинг сиёсий онгини янада ошириш зарурлиги ҳақида гапиради.

Шунингдек, пленумда Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият область бўлимининг раиси Ш. Ўлмасбоев, Чирчиқ шаҳар бўлимининг раиси Макеев ва бошқа ўртоқлар чиқиб сўзлаб, қишлоқ хўжалик билимларини пропаганда қилишни янада яхшилаш юзасидан ўз мулоҳазаларини айтдилар.

Жамият пленуми ишида область партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Р. Мусахонова қатнашди ва нутқ сўзлади.

А. ХОЛМИРЗАЕВ,
А. ШМАРИГО.

Занзибар Коммунистик партияси тузилди

РАБОТ, 19 июль. (ТАСС). Занзибарда (Англиянинг Африка шарқий қирғоғи яқинидаги ороллар жойлашган протекторати) Коммунистик партия тузилди. Буни партиянинг бош секретари Абдураҳмон Муҳамад маълум қилди, деб хабар беради Магриб Араб Пресс агентлиги.

Агентлик Занзибарда айни вақтда Коммунистик ёшлар иттифоқи тузилганлигини ҳам хабар қилади.

КАШШОҚЛИК ВА ҲУҚУҚСИЗЛИККА ҚАРШИ

АҚШ

Нью-Йорк касалхоналарининг 40 мингдан кўпроқ ходими, асосан негрлар ва пуэрторикаликлар иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида ўз касаба союзлари орқали музокаралар олиб бориш ҳуқуқини талаб қилиб иш ташладилар.

Касалхоналарнинг маъмурияти ва шу касалхоналарга «ёрдам бериб турувчи» бойлар забастовкани бузишга қарор қилдилар. Улар касалхона ходимлари касаба союзининг раиси Леон Дэвисни қаматишга муваффақ бўлдилар ва штат судьясининг ёрдами билан уни 6 ой қамоққа ҳукм қилдирдилар.

Забастовка давом қилмоқда. Забастовкачилар ўз талабларини қондириш ниятида қаттиқ турибдилар.

БЕЛЬГИЯ

Олен шаҳри (Лимбург вилояти) металлургларининг турмуш шароитини яхшилашни талаб қилиб бошлаган забастовкаси етти ҳафтадан бери давом қилмоқда.

Фламандия ишчиларининг иш ҳақини оширишни талаб қилиб олиб бораётган қаттиқ курашини Бельгиядаги меҳнаткашларнинг ҳаммаси қизғин қувватламоқда. Боринаж металлургларга ёрдам фондига пул тўпламоқдалар. Бельгия умуммеҳнат федерацияси, христиан касаба союзлари конфедерацияси ҳам иш ташлаганларга пул билан ёрдамлашмоқда.

ЭКВАДОР

Эквадорнинг Пичинча вилоятида давлат мактаблари ва колледжларда ишлаётган ўқитувчиларнинг забастовкаси давом қилмоқда. Забастовкачилар ойликни оширишни ва ўттиз йил ишлаган ўқитувчиларга пенсиялар тўлашни талаб қилмоқдалар.

Гуаякиль шаҳрининг ўқитувчилари ҳам забастовка эълон қилдилар.

ФРАНЦИЯ

Марсел портида яна иш бошланмоқда. Савдо флоти денгизчилари бўрт кун давом қилган забастовкадан кейин ўзларининг асосий талабларини қондиришга муваффақ бўлдилар: уларнинг иш ҳақи 8 процент оширилади, кемалар қатнаш даври тамом бўлганидан кейин ҳам улар иш билан асосан таъминлаб турилади. (ТАСС).

АҚШ ДА ҚУРҒОҚЧИЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 18 июль. (ТАСС). Кўшма Штатларнинг шарқи-шимолий районларида (Нью-Йорк, Нью-Жерси ва Пенсильвания штатларида) тўрт ойдан бери қаттиқ қурғоқчилик давом этмоқда. Мамлакатнинг шу қисмидаги кўпгина округлар «табиий офат районлари» деб эълон қилинган.

Нью-Йорк штатининг «табиий офат рўй берган районларга ёрдам комитети» раиси Жозеф Сагденнинг берган маълумотларига кўра, қурғоқчилик натижасида штатдаги ялловларда ўтлар қуйиб кетган ва саб. завот ҳамда мева ҳосилининг қарийб тўртдан бир қисми ҳозирнинг ўзидаёқ нобуд бўлган.

МАРРА 40 ЦЕНТНЕР

Таласбой ака Ғазатов бошлиқ бригада аъзолари йил бошидан буён фидокорона меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланиб, 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Ҳозирга қадар барча майдондаги ғўзалар икки марта комплекс парваришдан чиқарилди. Озиқлантириш, суғориш ва культивация ишлари бир-бирига боғлаб ўтказилмоқда. Зайли Раисов, Нишонбой Ҳамраев сингари механизаторларнинг ҳар бири кунига 10—12 гектар ердаги ғўзани культивация қилаётир.

— Яқинда биз картама-карта айланиб, ғўзаларимизнинг ҳолатини диққат билан кузатдик! Ҳар тупида 2—3 тадан бўлиқ кўсак бор. Ғўза парваришини янада кучайтириб, август ойида ҳар туп ғўзада 10—13 тадан кўсак тўплашга қарор қилдик. Ана шуни ҳисобга олиб, илғариги мажбуриятимизни ўзгартирдик, 40 центнер учун кураш бошладик.

Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхозининг догдор бригада бошлиғи ўртоқ Ғазатовнинг сўзига ишонса бўлади. У бошлиқ бригада аъзолари, албатта, ваъдаларини бажарадилар.

М. ОИДИНОВ.

Чет элларда нима гап

Буюк ҳақиқат кучи

СОФИЯ, 19 июль. (ТАСС). Болгария газеталари бугунги сонларида Н. С. Хрушчевнинг Америка журналистлари билан суҳбатини кенг шарҳламоқдалар.

«Земеделско знаме» газетаси қуйидагиларни ёзади: Н. С. Хрушчевнинг бошқа ҳамма баёнотларидаги каби унинг берган жавобларидаги ҳар бир сўз ва ҳар бир фикрда ҳам буюк ҳақиқат кучи бор. Бу ҳақиқат ер юзидаги барча соф виждонли кишиларнинг қалби ва ақлидан жой олмоқда.

«Труд» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: Н. С. Хрушчевнинг Америка журналистлари саволларига қайтарган жавобларига барча халқларнинг гоят қизиқиб қараётганлигига аввало сабаб шуки, унинг сўзлари чуқур ҳақиқат, инсонпарварлик ва оптимизм билан, бутун инсониятнинг истиқболи тўғрисида зўр ғамхўрлик руҳи билан суғорилган.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

ҚОҲИРА, 18 июль. (ТАСС). Бугун Хелуанда электр қуввати ўтказувчи ҳаво линиялари учун алюминий кабели ишлаб чиқарувчи корхонани тантанали ишга туширш маросими бўлиб ўтди.

Корхона Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикасининг техника ёрдами билан қурилди. Корхона ҳар йили 3600 тонна кабель ишлаб чиқаради. Бу кабелдан баланд Асуан тўғонида қурилаётган электростанциядан Искандарияга электр қуввати етказиб берадиган линия қурилишида фойдаланилади.

Бирлашган Араб Республикасининг саноат министри Азиз Сидқи корхонани очиш маросимида сўзлаган нутқида Совет Иттифоқи бирқанча саноат корхоналари қурилишида Бирлашган Араб Республикасига техника ёрдами кўрсатаётганлигини таъкидлади.

Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати номидан министр корхона қурилишида иштирок этган ҳамма кишиларга ташаккур билдирди.

ХИТОЙДА ЭНГ ЙИРИК

ПЕКИН, 18 июль. (ТАСС). Пекиндаги жун тўқиш фабрикаси йилнинг биринчи ярмида 1,5 миллион метрдан кўпроқ майин мовут газлама чиқарди. Фабрика юқори сифатли жун калава, майин мовут, дағал мовут газлама ва бошқа жун газламалар, шунингдек жун ва ярим жун одеяллар ишлаб чиқармоқда. Мамлакат озод этилганидан буён ўтган 13 йил мобайнида фабрикада ишлаб чиқариш ҳажми 39 баравар ошди.

Халқ ҳокимияти йилларида, деди ТАСС мухбирига фабрика директорининг ўринбосари Чжао Хай, фабрика батамом реконструкция қилинди ва анча кенгайтирилди. Эндиликда у жун саноатининг мамлакатдаги энг йирик корхонаси бўлиб қолди. Кейинги йилларда корхонада янги машина-ускуналар ўрнатилди. Бу машина ускуналар Шанхай ва Тяньцзиндаги тўқимачилик машинасозлиги заводларида ишлаб чиқарилган.

Фабрикада, деди Чжоу Хай, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг турини кенгайтириш учун меҳнат мусобақаси кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда маҳсулотнинг 95 проценти биринчи сортлидир. Фабрика коллективи шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида жун газламаларнинг юздан ортиқ янги турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Меҳнат мусобақаси жараёнида ишлаб чиқариш илғорларининг сафи ўсди. Тўқимачилардан 200 киши ана шу фахрли номга сазовор бўлди.

Ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити тубдан ўзгарди. Чжао Хайнинг ўзи фабрикага 11 яшар ўсмир чоғида келган эди. Мамлакат озод қилинганидан кейин у шу ернинг ўзида кечки мактабда маълумот олди, 1955 йилда Совет Иттифоқига икки йиллик ишлаб чиқариш практикасига юборилди. У, Совет Иттифоқидан қайтиб келганидан кейин 1957 йилда директорнинг ўринбосари қилиб тайинланди. Илгари фабрикада ҳатто ётоқхона ҳам йўқ эди. Ҳозир уйжой бинолари бўлган шаҳарча қад кўтарди. 7 мингдан кўпроқ киши янги уйларга кўчиб кирди.

Фабрика ҳузурида ҳар хил кечки ўқув юртларининг кенг шохобчалари ташкил этилди. Ишчи ва хизматчилардан 3 минг киши 20 группада техника маълумоти ва умумий маълумот олмоқда. 50 киши кечки олий ўқув юртида, 200 киши эса техникумда ўқимоқда. Илгари ишчиларнинг 80 проценти ўқиш ва ёзишни билмас эди, ҳозир эса ишчилар орасида саводсизлик деярли батамом тугатилди.

ЭРОН ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 июль. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлигининг мухбири Техрондан хабар беради: бу ерда бош министр Аминий бошлиқ Эрон ҳукуматининг истеъфо берганлиги расмий суратда эълон қилинган.

Мамлакатдаги оғир иқтисодий ва молиявий аҳвол билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳал қилиш йўлидаги уринишлари муваффақиятсиз чиққандан кейин ҳукумат истеъфо берди, деб кўрсатади мухбир.

ҚИММАТЧИЛИК УСМОҚДА

ПАРИЖ, 18 июль. (ТАСС). Француз матбуотининг хабарларига мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўсиб бораётганлигидан далолат бермоқда. «Юманите» газетаси миллий статистика институтининг маълумотларига асосланиб шу нарсани кўрсатадики, бу йил Францияда 1961 йилдагига нисбатан 20 хил озиқ-овқат маҳсулотининг нархи 26 процент ошган.

Миллий статистика институтининг маълумотларига қараганда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 1962 йилда ўрта ҳисобда 18 процент ошган.

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ХАБАР БЕРАДИЛАР

✦ Пекинда Хитой билан Чехословакия ўртасида ўзаро товарлар етказиб бериш ва тўловлар тўғрисида 1962 йил учун протокол имзоланди.

✦ Туркияда туғилаётган ҳар 1000 боладан 165 таси ўлмоқда. Буларнинг ярмидан кўпроқ қисми уч-тўрт ёшга етмасдан ўлади. Қишлоқларда болаларнинг ўлими айниқса кўп. Полиомиелитдан жуда кўп бола ўлмоқда. (ТАСС).

Вокзалдаги қулайликлар

Қайта қурилган Тошкент темир йўл вокзалида йўловчилар учун катта қулайликлар яратилди. Бу ерда поезд билетларини тақсимлашнинг диспетчерлик методи қўлланилмоқда. Энди ҳамма кассалар умумий. Вокзал биносидаги диспетчерская бўлими билетларни тақсимлаш билан шуғулланади. Турли ёқдан келаётган ёки бораётган поездларда бўш ўрин борми-йўқмилиги ҳақида операторская хонасига маълумотлар келиб туради. Шаҳар станциясида ҳам тор махсуслаштирилган билет кассалари тугатилиб билетларни сотишнинг янги прогрессив методи қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда битта кассадан йўловчи хоҳлаган поездга билет олиши мумкин.

Шунингдек, залларда справкалар бюросига уланган репродукция карнайлари ўрнатилади. Бу репродукция карнайи орқали йўловчилар бир зумда диктордан ўз саволларига жавоб оладилар.

Тошкент вокзалидаги маданий-маиший хизмат бюроси ҳам йўловчиларга намунали хизмат қилмоқда.

А. КОМИССАРОВ.

Ўрол Тансиқбоев ҳақида телевизион фильм

СССР Бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев ўзбек тасвирий санъати хазинасини ғўзал ва лирик асарлар билан бойитишга муносиб ҳисса қўшган моҳир ва таланти-ли санъаткордир. Яқинда Тошкент телевидение студияси ижодий коллективи ўзбек тасвирий санъатининг бу йирик намояндаси ҳақида катта ҳужжатли телевизион фильм яратди. Бу телевизион фильм Ўрта Осиёда рассомлар ижодига бағишланган илк картина бўлиш билан бирга, Тошкент телевидение студиясининг биринчи рангли-ҳужжатли фильми ҳамдир.

«Жонажон ўлка куйчиси» деб аталувчи бу фильм (режиссёр Ғ. Шермуҳамедов, сценарий автори Ғ. Расулев, оператор С. Салимов, редактор Т. Солиев) сўлим Фарғона водиси, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Ҳумсон, Қайроққум, Хўжакент ва бошқа тоғли районларда суратга олинди. Авторлар фильмни яратишда атоқли рассомнинг «Фарғона водисида», «Колхоз пейзажи», «Иссиқкўл эртаси», «Қайроққум ГЭСи тонги» каби ўттиздан ортиқ йирик полотноларидан ҳам самарали фойдаланишган.

Бу телевизион фильм яқин кунлар ичида тамошабиларга кўрсатилади.

Э. МАДРАҲИМОВ.

„ГЕОДЕЗИЯ" ДАРСЛИГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Бундан бир неча йил муқаддам техника фанлари доктори профессор П. И. Шилов томонидан ёзилган «Геодезия» китоби нашр этилган эди. Бироқ бу китоб шу вақтгача ўзбек тилига таржима қилинмай келинарди.

Яқинда ана шу китоб ўзбек тилида босиб чиқарилди. Мазкур китобни ўзбек тилига таржима қилишда Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти «геодезия» кафедрасининг мудири доцент Қ. Норхўжаев, кафедра ассисценти А. Воҳидов ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг доценти А. Назаров ўртоқлар айниқса фаолият кўрсатдилар. Бу китоб темирйўл транспорти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтлари студентлари учун қимматли қўлланма бўлиб хизмат қилади.

М. СУЛТОНОВ.

ЛАГЕРЬ ҚЎЙИНДА

«Пионерская зорька» пионерлар лагери соя-салқин, хушманзара боғ қўйнига жойлашган. Шу кунларда лагерда меҳнаткашларнинг ўғлоқ фарзандлари дам олиб, ёз гаштини суришмоқда.

Лагерда болалар зерикиш нима эканлигини билишмайди. Чунки, уларнинг хушчақчақ дам олишлари, ўйнаб-кулишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Дам олаётган пионер ва ўқувчилар тўгарак машғулотларига қатнашиб фойдали ҳунар ўрганишаяпти.

Бахтиёрлар пойтахтдаги маданият мауссасалари ходимлари билан ҳам учрашмоқдалар. Яқинда лагерга республика композиторларидан бир группаси меҳмон бўлиб келди. Бу учрашувда Б. Гиенко, Ғ. Қодиров, Х. Изомов, В. Князев каби композиторлар асарларидан концерт қўйиб беришди. Ўша куни лагерь музика тўгараги аъзолари янги ўрганган «Доим ёдимиздасиз»!, «Ғозлар, ғозлар», «Бирга қўйлайлик» каби қўшиқларни айтиб беришди.

Ж. НАЖМИДДИНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ. 21 ИЮЛЬ. 1962 ЙИЛ.

ОЙГА ҚАНДАЙ УЧИШ МУМКИН?

Ишонч билан айтиш мумкинки, бу ўн йилликдаги энг катта воқеа одамнинг Ойга учиши бўлади. Бунинг учун нималар қилиш керак? Ойга етиб бориб, «юмшоққина» қўнадиган космик кема яратиш, Ойга учиш, ундан қайтиб, ер атмосферасидан ўтиш ва Ерга қўнишни амалга ошириш лозим. Бундай кема 50—100 тонна оғирликка эга бўлади. Бироқ бу хил кемани яратиш билан бирга уни Ойга юбора олиш ҳам керак. Буни амалга оширишнинг икки йўли бор. Биринчи йўл шундан иборатки, унда космик кемани Ердан ойгача олиб чиқа оладиган бўйи деярлик 100 метр ва оғирлиги бир неча минг тонна келадиган улкан ракеталар — «мастодонтлар»дан фойдаланиш мумкин. Иккинчи йўл — нисбатан унча катта бўлмаган ракеталар қуриш ва уларнинг ёрдамида космик кемани қисмларга бўлиб, Ер атрофидаги қўйи орбитага олиб чиқишдан иборат. Масалан, кемани уч қисмга: экипаж кабинаси, Ойга қўниш пайтида тормозлаш учун қўлланадиган двигателли установка ва Ойдан учишни таъминлайдиган двигателли установкага ажратиш мумкин. Демак, орбитада кеманинг айрим қисмлари учрашади ва сўнгра улар бир бутун бўлиб қўшилади. Сўнг худди мана шу орбитага ёнилги тўлдирилган кичикроқ ракета ҳам чиқарилади. Бу ракета йўналтирилган кемага бориб қўшилади ва унга орбитадан чиқиш ҳамда Ойга томон учиш зарурлигини хабар қилади.

Шундай қилиб, қайси бири маъқул — ракета-мастодонтми ёки орбитада учрашувми? Агар мастодонт яхши ишланган бўлса, учрашиш методидан фойдаланишга қараганда мастодонтда учишнинг муваффақиятли тугалланиш эҳтимоли кўпроқдир. Ҳар бир космик авария — миллион ва миллиардларни совуриб юбориш эканлигини унутмаслик керак. Мастодонт усулида муваффақият эҳтимолининг кўплиги яна шунда кўринадики, унда барча тараддуд қадрдон Ер-имизда бўлади, учрашув эса, Ердан юзларча километр узоқликдаги вазнсизлик ҳолатида рўй бериши керак. Агар Ерда, айтайлик, ёнилғи баки тешилгани маълум бўлиб қолса, дарҳол пайвандлаш аппарати қўлга олинади-ю, уни тузатилади-қўйилади. Бордию, бак космосда тешилиб қолса-чи? У ҳолда фақат тезлик билан Ерга қайтишдан бошқа илож қолмайди. Албатта узоқ келажакда орбитада ремонт станциялари барпо қилиниб, пайвандлаш аппаратларини олиб чиқиш мумкин бўлиб қолади. Бироқ, шуни айтиш керакки, бизни ҳозир узоқ келажак эмас, балки мана шу ўн йиллик қизиқтирмоқда.

Ракета-мастодонтни яратиш ва ишлаб чиқиш учун беҳисоб пуллар ва жуда кўп вақт керак бўлади.

Мастодонтни ёнилғи билан тўлатиш учун юзга яқин цистерна, яъни бир неча темирйўл составига кетадиган ёнилғи керак бўлади. Уни учириш учун эса, масштабини кичи тасаввур ҳам қила одмайдиган улкан старт иншоотлари бўлиши керак. Фақатгина мана шу иншоотларнинг ўзига миллиард сўм лаб маблағ сарфлаш лозим. Тўғри, катта ракеталарни сувдан учириш лойиҳалари бор, лекин бу ўн йиллик мобайнида шу хил лойиҳаларни амалга ошириш имконияти йўқ.

Хўш, ракета-мастодонтнинг ўзини старт майдончасига қандай олиб борилади? Албатта, катта ракетанинг бўлаклари айрим-айрим ҳолда олиб борилади ва старт майдончасида йиғилади. Лекин, биринчи (энг катта) бўлагининг ўзини олиб бориш учун ҳам анчагина бош қотиришга тўғри келади. Ҳаво, темирйўл ва тошйўл транспорти бу ўринда иш бермайди. Фақатгина сув транспортига: катта кема ва понтонларга тайниш имкони қолади, холос. Бўйи 50 метр (15 қаватли бинонинг бўйи билан тенг) келадиган ва диаметри 15 метр бўлган ракета бўлагини кемага қандай қилиб ортиш ҳамда ундан тушириш мумкин? Мавжуд лойиҳа бўйича биринчи бўлакни тўғридан-тўғри кемининг ўзида йиғиш ва сўнгра йиғилган бўлак ортилган кемани старт майдонига юориш кўзда тутилади. У ерда эса йиғилган биринчи бўлакка ракетанинг бошқа қисмлари ва космик кема ўрнатилади. Кейин эса бевосита кемадан учириш амалга оширилади.

Шунингдек, ракетанинг айрим бўлакларини бевосита старт столида йиғишни ҳам таклиф қилмоқдалар. Бу — транспортировкани осонлаштирган бўлар эди (бунда бўлакнинг фақат айрим элементларинигина ташиш га тўғри келарди), лекин бўлакни дала шароитида деталларни заводда йиғгандек сифатли қилиб бирлаштириш имкони бўлмайди, натижада ракетанинг мустаҳкамлиги камаяди.

Эҳтимол, бу ўн йилликда мастодонтлар ўрнига орбитада учрашув методи қўлланилар. Лекин узоқ келгусида космик кемада планеталарга учишда учрашув методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолар, чунки космик кема ва унинг айрим отсекларининг оғирлиги маълум миқдорда ортиб боради. Ўшанда космик кеманинг ҳар бир отсекини ер атрофидаги орбитага чиқариш учун алоҳида мастодонт талаб қилинади. Шунинг учун ҳам кемани ердан бутунлигича учиришга кучи етадиган қудратли мастодонтларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолади.

Осмонда нималар учраши ва учрашув қаерда бўлишига қараб учрашув методлари бир неча вариантли бўлиши мумкин. Ер атрофидаги орбитада учрашув энг ҳақиқатга яқин бўлган методдир. Бунда шундай вариантлар бўлиши мумкин. Орбитага бўш экипаж кабинаси чиқарилади. Шундан сўнг махсус капсуладаги иккинчи ракета капсуладан кабинага ўтиб олувчи экипажни олиб чиқади. Бу вариант экипажи билан бирга кабинани орбитага олиб чиқа оладиган ракеталар бўлмаган вақтда қўлланилади. Бўш кабинани қудратлироқ ракеталар билан орбитага чиқариш мумкин. Гарчи ичида одами бўлмагач, кабинани таваккал қилиб орбитага чиқараверiш керак.

Учрашув фақат Ер атрофидаги орбитада эмас, балки Ой атрофидаги орбитада, ҳатто Ойнинг юзасида ҳам амалга ошиши мумкин. Кейинги икки усулнинг Ер яқинида учрашувга қараганда камчилиги шундаки, авария хавфи туғилган пайтда космонавтларни хатардан сақлаш қийин бўлади. Шунингдек, бунда учрашувга ёрдам берувчи ердаги станциялардан фойдаланиш мумкин бўлмай қолади. Ой атрофидаги орбитада учрашув тахминан шундай рўй бериши мумкин: дастлаб битта ракета ёрдами билан Ой атрофидаги орбитага Ойга қўнишда тормозлаш учун двигателли установкаси бўлган отсексиз космик кема юборилади. Бошқа ракетанинг ёрдами билан худди шу орбитага етишмаётган отсек чиқарилади. Бу отсек кемага қўшилади (унинг оғирлиги бутун кема оғирлигининг учдан икки қисмини ташкил этади).

Шунингдек, Ойда учраши ҳам мумкин. Ойга битта ракета ёрдамида двигателли установка ўрнатилган отсексиз космик кема чиқарилади. У Ойдан учиб тушишни таъминлайди. Иккинчи ракетанинг ёрдамида Ойнинг худди шу районига экипажнинг бўш кабинаси ўрнатилган отсек олиб чиқилади. Экипаж мана шу кабинага ўтиб олиб Ерга қайтиб учиб тушади.

Учрашувнинг сон-саноқсиз вариантлари мавжуд. Вариантлар эса катта ва мустаҳкам ракеталарнинг бўлишига, орбитада ёнилғи билан тўлдириш техникасини ишлаб чиқиш даражаси ва ҳоказоларга қараб танланади. Бироқ биринчи навбатда космосда учрашувнинг техникасини Ер орбитасида синаб кўриш зарурдир. Учрашувни таъминлаш мастодонт ракеталарни яратиш ва учиришдан кўра мураккароқ бўлиб чиқиши мумкин.

Учрашув проблемасини узил-кесил ҳал этиш космонавтларга боғлиқдир, чунки техника ҳар қанча такомиллашган бўлмасин, ҳал қилувчи ролни инсон ўйнайди.

Юрий МАРИНИН,
Новости матбуот агентлигининг комментатори.

«Ташсовет» номли физиошифохона юрак касалликларига аниқ диагноз қўядиган янги медицина аппаратлари билан таъминланди. Суратда: (чапдан) Тошкент давлат медицина институтининг доценти А. Каримжонов ва врач З. Тазиева ўртоқлар юрак фаолиятини узоқ муддат текшириш имкониятини берадиган ВЭКС аппарати экранида беморнинг юрагини кузатмоқдалар.

Ш. Исроилов фотоси.

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Институтнинг 25 йиллиги

Тошкент фармацевтика институти 25 йилдан бери мутахассислар тайёрлаб келмоқда. Институт вужудга келгандан буён Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон аптекалари учун 2 мингдан ортиқ провизорлар тайёрлаб берди.

Бу йил мазкур олий ўқув юртининг кундузги ва сиртқи бўлимларини 250 киши тугатиб чиқади. Улардан айримлари республикамизнинг қўриқ ерлари районларига ишга жўнайдилар. (ЎзТАГ).

ФОТОҲАВАСКОРЛАР ВИСТАВКАСИ

Яқинда В. И. Ленин номли Тошкент олий умумий ҳарбий командирлик билим юртида кинофото ҳаваскорлари клуби аъзоларининг ишлари виставкаси очилди. Бу виставка билим юрти ташкил қилинган кунининг 44 йиллигига бағишланган.

Виставкада 30 га яқин фотоҳаваскорнинг 170 дан ортиқ фотолари намойиш қилинмоқда. Улар орасида зўр санъат билан ишланган кўпгина бадиий фотосуратлар бор. Виставка очилган куни армия фотоҳаваскорлари ҳузурига билим юртининг ветеранлари, Тошкент меҳнаткашлари ва фотожурналистлар меҳмон бўлиб келишди. Меҳмонлар билан ёш ҳаваскорлар ўртасида марсиали суҳбат бўлди.

Виставка асарларининг кўпчилиги билим юртининг ҳаёти, ўқувчиларнинг кундалик ишларига бағишланган. Улар орасида зўр санъат билан ишланган бадиий фотосуратлар ҳам анчагина.

О. АПУХТИН.

Жамоатчилик асосида

Тошкентда 51 та маданият университети, 250 кутубхона ва китоблар бериш пункти, халқ консерваторияси, Халқ ижоди уйи, парк кинотеатрлар ва бошқа маданий-оқартув муассасалари жамоатчилик асосида ишламоқда.

Шаҳар янада гўзал бўлсин, кишилар мазмунли дам олсин деб ўзининг бўш вақтини сарфлаётган олимлар, врачлар, педагоглар, архитекторлар, рассомлар, артистлар, меҳнат ветеранлари яқинда маданий-оқартув ишлари жамоатчиларининг биринчи шаҳар йиғилишида учрашдилар.

Йиғилишда қилинган ишлар ҳақида гаплашиб олинди. Маданият муассасалари фаолиятида жамоатчилик асосларини янада ривожлантиришга қаратилган тадбирлар белгиланди. (ЎзТАГ).

Изабелла Блюм Тошкентда

Ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган Жаҳон конгрессида қатнашган Бельгиянинг таниқли жамоат арбоби, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати Изабелла Блюм Ўзбекистон пойтахтига келди. Тошкент жамоатчилиги ҳурматли меҳмонни самимий кутиб олди.

20 июлда Изабелла Блюмни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри С. О. Азимов қабул қилди.

Ўша куни Изабелла Блюм Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлди, шу корхонада ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан танишди. (ЎзТАГ).

Завод музейи

«Ўзбекхиммаш» заводида ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини кенг ёйиш мақсадида коммунистик мусобақа тарихи хонаси ташкил қилинди. Хонага токарлардан коммунистик меҳнат зарбдорлари ака-ука Анатолий ва Василий Дедюрин, К. Никитин, А. Снегирев ва бошқа ўртоқларнинг портретлари ғисилган.

Ишлаб чиқариш илғорлари хонасидан шунингдек, кўплаб китоб, брошюра, плакатлар ҳам ўрин олган. Экспонат сифатида қўйилган стенд ва диаграммалар, мажбурият нусхалари ва бошқа ҳужжатлар корхонадаги коммунистик мусобақа пионерларининг ҳаёти турмуши ва меҳнатидан ҳикоя қилади.

Н. МАСЛОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 2 ЭШЕЛОН КЎМИР

Етти йилликнинг тўртинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун астойдил курашаётган 9-шахта коллективи мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, ойлик ёқилғи қазиб чиқариш планларини муддатидан илгари ошириб бажармоқда.

Бу ишда шахта коммунистларидан Ф. Хон, И. Барабаш ўртоқлар бошлиқ участкаларнинг кончилари ташаббус кўрсатмоқдалар. Ҳар иккала участка коллективи ўтган 6 ой ичида пландан ташқари истеъмолчиларга икки эшелондан ортиқ кўмир берди.

ЙЎЛЛАНМА БИЛАН

Кончилар касаба союзи Тошкент область комитети меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига катта эътибор бермоқда. Йил бошидан буён кончи, бинокор, транспортчи ва бошқа касбларда ишловчилардан 300 дан ортиқ киши касаба союз йўлланмаси билан дам олиш уйлари ва курортларга бордилар. Йил охиригача яна меҳнаткашлардан 500 га яқин кишига касаба союз йўлланмаси берилади.

Шаҳардаги 3 та пионер лагерида эса шу кунларда меҳнаткашларнинг мингдан ортиқ ўғил ва қизлари дам олаётир.

ЯНГИ САВДО ТОЧКАЛАРИ

«Ангренторг» коллективи шаҳар меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун савдо точкалари сонини тобора кўпайтирмоқда. Ҳозир шаҳардаги Тешик тош посёлкасида сут ва сут маҳсулотлари сотадиган янги бино қурилаётир. Бундан ташқари янги шаҳар ва ГРЭС посёлкасида ҳам янги савдо точкалари қад кўтармоқда.

А. ИБРОҲИМОВ.

ТЕЛЕВИЗОР

21 ИЮЛДА

Рус тилида: 18.00 — Звездочка телевизион журнали, 18.35 — Телевизион янгиликлар, 18.50 — Еппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган Жаҳон Конгресси ҳақида, 19.00 — Осиё халқларининг ашула ва рақслари, 19.30 — Чет эл кинохроникаси, 19.40 — Бутун дунё йигитлари бирлашса номли болалар фильми.

Ўзбек тилида: 21.20 — Ишлаб сўнг (ёшлар учун), 21.45 — Телевизион янгиликлар, 21.55 — Мўл ҳосил учун телевизион журналининг махсус сони.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 21/VII да **Тошболта ошиқ.**

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА — 21, 22/VII да **Ўзбек давлат эстрадаси концертлари.** Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қуёш ҳамроҳлигида — «ВАТАН» (кеч соат 9-45 минутда).

Ўн учинчига ўтар кечаси — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ботеновлик доктор — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Контрабандистлар — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ўзбек давлат филармонияси.
ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
(ёзги бино)
21, 22 июлда

КАТТА КОНЦЕРТЛАР

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Комилжон Отаниёзов, Фотима Борухова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова,** солистлардан **Неъмат Қулабдуллаев, Насиба Ҳасанова, Жума Бобоев,** филармониянинг хор капелласи ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЕҒОЧСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ
КАРТОНАЖ ЦЕХИ
заказчилар материалидан
БУЮМ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Заказларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминланади.
Мурожаат учун адрес: Қўйлиқ посёлкаси, К. Маркс кўчаси, 10-уй (7, 17-автобуснинг «Райисполком» остановкаси), телефон 6-20-34.

КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА
конструктор инженерлар ва техниклар, нормаловчи инженерлар ва техниклар, экономист-плановик, русча машинистка
керак
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 22-а уй (2, 3-троллейбус, 24, 30-автобуснинг «Педагогическая» остановкаси).

Пахта кўчаси, 43-уйда турувчи **Аркадий Хияевич Карневинг** шу уйда турувчи Любовь Юрьевна Давидовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Лабзак кўчаси, 4-тупик, 19-уйда турувчи **Жаббор Юсуповнинг** Большевик кўчаси, Меҳнаткаш тупик, 47-уйда турувчи Ҳожиниса Кўчқоровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Маҳтумқули кўчаси, 6-проезд, 18-уйда турувчи **Миробид Хусановнинг** Кори Ёқубов кўчаси, 1-проезд, 2-уйда турувчи Раҳима Раҳимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Атаманнинг ёшлик чоғи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 4 да).

Крош саргузаштлари — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Қизлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Сеанслар кеч соат 9-15 минут ва 10 яримда)

Гадой қиссаси — КАФАНОВ, ПУШКИН, СТЕПАН РАЗИН номли.

Номаълум излар — «ОКТЯБРЬ».

Ботеновлик доктор (кеч соат 9-15 минутда), **Ўлмас гарнизон** (кеч 10 яримда) — «ВАТАН».

Т. Шевченко кўчаси, 54-уй, 18-квартирада турувчи **Юрий Степанович Комиссаровнинг** шу уйда турувчи Лилия Михайловна Комиссаровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Навоий кўчаси, «Ёш ленинчи» проезд, 18-уйда турувчи **Машкура Султоновна Тўраеванинг** Эгарчи кўчаси, 21-уйда турувчи Ўктам Илёсович Тўраевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Горосвещение» конторасининг бошлиғи
Алексей Иванович ГОЛУБЕВНИНГ
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД

Оилада ҳар жиҳатдан тўғри тарбия топган фарзанд қаётга қадам қўяр экан, ўзининг ҳалол меҳнати, кишиларга нисбатан самимий муносабати, юксак онглилиги ва бошқа қатор фазилатлари билан қўзга алоҳида ташланиб туради. Миллион-миллион совет оиласида тарбия топаётган ёшларимизнинг жуда кўпчилик қисмини ана шундай олижаноб ёшлар ташкил этади.

Мўъжизакор ва ўт-юрак, қўрқмас ва ботир, иродали ва билимдон ёшларимизнинг ўсиб улғайишида, шубҳасиз, мактаб ва оиланинг қўшадиган ҳиссаси бениҳоя каттадир. Ахир, оламни қайратда қолдирган Юрий Гагарин ва Герман Титовни, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной ва Тюпоколарни совет мактаби, совет оиласи улғайтирган.

Она! Шу уч ҳарфдан таркиб топган бу муқаддас сўз қанчадан-қанча отаним муҳаббат ва меҳрибонлик, буюк ҳис ва ғамхўрликни ўзига жамулжам қилган. Биз улуғ Ватанимизни «Она-Ватан» деймиз. Ахир шу меҳр қўйган, олтин тупроғини кўзимизга тўтиё қилган Ватан сўзи мазмунини она деган сўздан бошқа қандай сўзга таққослаш мумкин? Ҳа, Ватан — Она. Бу икки сўз эгизак. Улуғлиги ва муқаддаслиги, салобати ва қудрати билан ҳам ҳар иккиси бир-бирига мазмун бахш этади.

Бу ўринда бир воқеани эслатиб ўтиш ўринли бўлур эди. Бизнинг танишимиз Х. Мансуров Улуғ Ватан уруши фронтидан икки кўзи ожиз бўлиб қайтди. Даволашлар фойда бермади. Шундан сўнг, агар ота рози бўлгудек бўлса уч ўғилдан бири ота учун бир кўзни беришга келишдилар. Бу масала ўғиллар ўртасида ҳатто бир неча кунгача ўзаро «жанжал»га сабаб бўлди. Чунки, ота кўзига ўз кўзи билан ёруғ дунёни кўрсатиш ҳар уч ўғлининг юракдан чиққан аҳди, фарзандлик муҳаббатининг гоят улуғ нишонаси эди. Аммо ота ўғиллар таклифига рози бўлмади. Орадан икки-уч йил ўтгач, совет медицинаси Улуғ Ватан уруши қатнашчисига катта ёрдам кўрсатди. У кўриш имкониятига эга бўлди.

Ана шу тариқадаги фарзандлик бурчини ўташнинг олижаноб намуналарини ўнлаб эмас, ҳаётимизда юзлаб ва минглаб учратиш мумкин. Булар авлодларимиз олаётган коммунистик тарбиянинг ажойиб меваларидир.

Она ҳақида, унинг иззат ва ҳурматини ўрнига қўйиш ҳақида қанчадан-қанча характерли мисоллар келтириш мумкин. Улуғ доҳи Владимир Ильич Ленининг ўз онасига бўлган муҳаббати бизнинг ёшларимиз учун ажойиб намунадир. Буюк инсон ҳар қандай қийин дамларда ҳам она ҳурматини сақлаш ва унинг ҳамдарди бўлишни ўғилликнинг асл белгиси деб биларди. Ҳатто у ўзининг мутолаа қилган китоблари устида онаси билан фикр олишар ва ўзининг иш планлари билан онани таништирарди.

Владимир Ильичнинг Петроградаги Волкова мозорида — онасининг қабри ёнига зиёратга келган вақтини Н. Д. Бонч — Бруевич жуда ҳаяжонли сатрларда ҳикоя қилади:

— Хотини билан биргаликда, опа-сингил ва қариндошлари билан қуршалган ҳолда ғамгин равишда, аста-секин, жимгина қабр ёнига келди. Эҳтиром билан қабр тепасида тўхтади, шапкасини олиб, бошини қуйи солди. У ранги оқарган, ҳаяжонланган, фикрини бир жойга тўплаган ҳолда чуқур ўйга тўлиб турарди. — «Она, онажоним!.. — деди у секин, эшитилар-эшитилмас».

Бу улуғ устознинг онага бўлган ҳурмат ва муҳаббатидан кичик мисол. Аммо шу кичик мисолда умр бўйи онага нисбатан фарзанд қалбида сақланадиган ҳиснинг олам-олам мазмуни акс этиб турипти.

Ҳалол меҳнати билан жамият ишига муносиб ҳисса қўшган қарияларимиз ҳозир бадавлат кексаликнинг гаштини суриб ҳаёт нечирмоқдалар. Уларнинг ҳар жиҳатдан таъминланган бўлишлари устида партия ва ҳукуматимиз тинимсиз ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Бу ўринда шуни алоҳида айтиш керакки, ота-она қариб қолганда ўғил ёки қизининг моддий ёрдамига ҳунчалик муҳтож бўлмасада, уларга фарзандлар берадиган маънавий озиқ ҳамма нарсадан қимматлидир. Ўз фарзандининг қайси ерда меҳнат қилишидан қатъий назар, унинг ишда эришган муваффақияти, жамоатчилик орасидаги обрўси ота-онани бениҳоя қувонтиради. Улар шундай фарзандни вояга етказганликлари билан чексиз фахрланадилар. Зотан, ота-онага бўлган фарзандлик муҳаббати уларга фақат моддий ёрдам кўрсатиш билангина чегараланмай, аввал бошлаб меҳнатда, коммунистик жамият қуришда қандай меҳнат қилаётгани билан ҳам аниқланади.

Ота-онани ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб, қувватлаш ўзининг ҳақиқий ва инсоний бурчи, фарзандлик вазифаси эканини унутиб қўйган, ота-онага нисбатан қиладиган муомала ва муносабати кўпчиликнинг нафратига учрайдиган баъзи кишилар жамиятимиз орасида ҳали ҳам топилиб қолади.

Бундан бир неча вақт илгари ёлғиз яшаётган оналардан бири ўғли ва қизини алимент масаласи юзасидан судга чақиртирди. Жуда сийрак учрайдиган бундай суд процесси қизиқ бўлди. Кампирнинг ўғли инженер, қизи ҳамшира бўлиб ишлашади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз оилалари билан алоҳида-алоҳида туришади. Инженер ўғил судда шундай жавоб қилди: «Мен онамнинг қилган ишига ҳайронман. Агар бир йилдан бери бориб кўрмаган бўлсам, гуноҳ менда деб ўйламайман. Чунки, мен иш билан бандман. Алимент ҳусусида бўлса, онамиз менга бир оғиз ҳам сўз айтмадилар».

Ҳамшира қизнинг жавоби эса, суд залида ўтирганларнинг ғазабини яна ҳам ошириб юборди. «Мен ҳам оилалиман, — жавоб қилди у, — болаларим бор. Аммо эйимлари бизни судга берганлари менинг фақат асабимни қўзғотди, холос. Ойи, сиз ахир ўз болаларингизни судга берасизми? Сизга ёрдам керак бўлса етиги билан айтмайсизми ёки йилига бир-икки марта қуёвингиз билан майда-чуйда қилиб келаётганимиз сизни қаноатлантирмайдими? Мен сизнинг қилган ишингиздан уялиб кетаяпман».

Келинг, ҳурматли газетхон, инженер ўғилнинг ҳам, ҳамшира қизнинг ҳам «оқилона» жаволари устида фикр юритиб кўрайлик.

Она ҳар икки фарзандини ўзи боқиб катта қилди. Ота Улуғ Ватан урушинг дастлабки йили фронтда ҳалок бўлди. Ўғил ва қизнинг тарбияси, уларнинг ўқиши, кийим-кечаги ва ҳоказолар устида озмунча азият чекдими? Шу болалар кўчадан «фалончи дадаси билан етаклашиб кетапти, бизнинг дадамиз бўлганда эди...» деган сўзларини эшитганда озмунча кўз ёш тўкдими, қалбини озмунча ҳижрон ва жудолик азоби ўртадими?

Лекин она фарзандларга етимлик нималигини билдирмади, оналикнинг зўр иродаси билан барча қийинчиликларни енгиб ўтди. Фарзандлар вояга етди. Аммо, улардаги вояга етишлик сиз билан биз, қолаверса умумхалқимиз умид қилган гоя мазмунида бўлмади.

Инженер ўғил мустақил ҳаёт йўлига кириб олгач, ҳамма нарсани унутди. Шахсий хурсандчиликлар, оила «икр-чи-кирлари» уни жондан азиз она ҳақида бирон вақт ўйлаб кўришга қўймади. Тўғрироғи, бу одам уни туғиб катта қилган, не-не умидлар билан ўстирган жондан азиз онасига бағри тошлик қилди, холос. Қиз бўлса, бағри тошликни ўз ҳаракидан ҳам ўтказиб юборди. Жамоатчилик, улар ишлаб турган ердаги ҳамкасблар ўз вақтида бу масалани кенг муҳокама қилиб, жуда тўғри иш қилдилар.

Улуғвор коммунистик жамиятимиз қурилиши жараёнида кишиларимизнинг коммунистик ахлоқи янги принцип ва янги мазмун билан бойиб бораётир. Бизнинг бутун ишимиз — қурраш ва меҳнатимиз партиямиз белгилаган коммунизм тантанаси йўлидаги режаларни бажаришга қаратилган. Шу улуғ мақсадни амалга оширишда коммунизм ишига садоқат руҳи билан суғорилган, билимдон ва меҳнатсевар ёшларимиз улкан ҳисса қўшадилар.

Р. УСМОНОВ.
педагог.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Р. 02226. Нашр. Г. 1639.